

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ФАРМАКОЛОГИЯ ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

3 - курс талабалари учун

Тошкент - 2003 й

Тузувчилар: Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор С.С.Азизова тахририяти остида ва раҳбарлигида тузилган ТашПМИ фармакология кафедрасини аъзолари - проф. А.А.Абдусаматов, катта ўқитувчилар - А.А.Юнусов, С.Ж.Аминов, ассистентлар - Г.А.Каримова, К.Т.Мирзаахмедова, Ш.Т.Зияева иштирок этганлар.

Такризчилар: ТошФарМИ фармакология кафедраси мудири, проф. Х.У.Алиев; ТошМИ 2 фармакология кафедрасини профессори М.М.Азимов

КИРИШ

Мазкур ўқув-услугий қўлланма фармакология фанини амалий машғулотларига бағишланган бўлиб - фанни муаммоларини, тарихини, умумий ва хусусий фармакология, умумий рецептура бўлимларини, дори моддаларини қўлланишда деонтологик омилларини, улар келтирадиган нохуш асоратларини, улар билан ўткир захарланишни даволашга бағишланган.

Мақсад ва вазифалар: Асосий мақсад дори моддаларининг таъсирини, таъсир механизмини ўрганишга қаратилган. Умумий фармакология бўлимида дори моддаларни фармакокинетика ва фармакодинамикасини умумий қонун-қоидалари ўрганилади. Хусусий фармакология бўлимида нерв система, ижрочи аъзолар, метаболизмга таъсир этувчи ва микроорганизмларга қарши моддалар ўрганилади. Болаларда қўлланиладиган дори моддаларни фармакокинетикаси ва фармакодинамикасини ёшига қараб ўзгариши, гематоэнцефалик, плацентар тўсикни ўтказувчанлигини, жигар ферментларини тўла-тўқис ривожланмаганлиги, буйракларни сийдик чиқариш фаолиятини такомиллашмаганини кўзда тутилади.

Амалий машғулотларда талабалар куйилган вазифаларни бажариб, умумий фармакологияни қонун-қоидаларини, фармакокинетика ва фарма-кодинамика асосларини ўзлаштиради. Хусусий фармакологияда ҳар бир мавзу ўтилганда, дори моддаларни таснифлаш, уларни таъсир механизмини, қўлла-нишини, қўлланишга монеликни, моддалар кўрсатадиган нохуш асоратларини, улар билан ўткир захарланганда кўриладиган чора - тадбирларни ўзлаштириш шарт. Бунинг учун амалий машғулотларда мавзуга оид дори моддаларни тўплами билан танишиб, уларга қўлланишга қараб рецептлар ёзиш, фармакодинамика ва фармакотерапиядан вазифалар бажарилади.

Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси. Мазкур дастур бир тарафдан назарий фанлар (физиология, патологик физиология, биокимё), иккинчи тарафдан клиник фанлар - педиатрия, юкумли касалликлар, хирургия, анестезиология ва бошқалар билан боғланган ҳолда методологик усулларни қўллаб, фармакология фанини чуқур ўрганишга қаратилган. Фармакологияни куйидаги бўлимлари: нейротроп моддалар, ижрочи аъзоларга ва тизимларга, метаболизмга таъсир этувчи, химиотерапевтик моддалар ва фитотерапия асослари ўзлаштирилади.

Амалий машғулотларда талабалар бажариши лозим булган вазифалар:

1. Ҳар-хил дори шаклларига рецептлар ёзиш.
2. Рецептурадан вазифани бажариш.
3. Мустақил бажариш учун келтирилган саволларга жавоб бериш.
4. Фармакодинамикадан вазифани бажариш-қўйилган саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғриси топиш.
5. Мавзу бўйича дори моддаларни тўплами билан танишиш.
6. Вазиятли вазифаларни бажариш.
7. Фармакотерапиядан вазифани бажариш, педиатрияда кенг қўлланиладиган дори моддаларига рецептлар ёзиш.
8. Жадваллар, чизмалар, формулалар, слайдларни таҳлил қилиш.
9. Интерактив вазифаларни бажариш.
10. Мавзуга оид рефератив маълумотларни эшитиш ва муҳокама қилиш.

Интерактив вазифаларни бажариш кичик гуруҳларда куйидаги услублар би-лан олиб борилади: 1) «мягга ҳужум»; 2) «инцидент»; 3) «думалоқ стол»; 4) «муаммони ҳал қилиш»; 5) «қорчалар»; 6) «асалари уяси»; 7) «қора кути».

1. «Мияга ҳужум» услубида 4-5 талабалардан иборат кичик гуруҳлар тузилади, уларга савол берилади, жавобга вақт ажратилади. Талабалар жавобларни очиқ муҳокама қилишади, жавоблар ғояларга айланиши мумкин. Домлалар аралашмайдилар, ҳеч қанақа кўрсатмалар бериш мумкин эмас.
2. «Инцидент» услуби талабаларни экстремал вазиятларда ишлашига қаратилган. Талаба муаммо тўғрисида (вазиятли вазифа) тезлик билан қисқача ахборот келтиради. Масалан дори моддалар билан уткир захарланганда тез ёрдам чораларини келтириш. Талабалар ушбу вазифани тез ечиб, 1-2 минут ичида қарор қабул қилишлари керак. Ушбу услуб талабаларни фикр юритишини фаоллаштиради ва экстремал вазиятларда ишлашга ўргатади.
3. «Думалоқ стол атрофида» услубида столга вазифа ёзилган қоғоз берилади, стол атрофидаги ҳамма талабалар узини жавобини ёзишади, кейин жавоблар муҳокама қилинади, нотўғри жавоблар учиради, тўғри жавоблар сони бўйича талабаларни билими аниқланади. Шунинг эса тутиш керакки яхши қўйилган савол - тўғри жавобни ярмисини ташкил қилиши керак.
4. «Муаммони ҳал қилиш» услубини бажаришда талабалар гуруҳларга А, Б, В (3тадан гуруҳда) бўлинади. Уларга 1, 2, 3 номерлар берилади, кейин улардан бошқа гуруҳлар тузилади. Ҳамма 1-чи номерлар - 1-чи гуруҳга, 2-чи номерлар 2-чи гуруҳга, 3-чи номерлар 3-чи гуруҳга бирлаштирилади. Гуруҳларга вазифалар берилади. Масалан «Кардиотоник моддалар» мавзу бўйича машғулотда 1-чи гуруҳга «Юрак гликозидларини таъсир механизми», 2-чи гуруҳга - уларни қўлланилиши, 3-чи гуруҳга юрак гликозидларини болалар амалиётида ўзига хос таъсирлари тўғрисида 10 минут муҳокама қилинади. Кейин, 1-чи, 2-чи, 3-чи номерлар олдинги гуруҳларга (А, Б, В), қайтарилади, бунда 1-чи гуруҳда бўлган талабалар юрак гликозидларини таъсир механизминини, 2-чи гуруҳ талабалар - қўлланилиши, 3-чи гуруҳ талабаси - юрак гликозидларини болалар амалиётида ўзига хос таъсирлари тўғрисидаги жавобларни келтиради, талабалар ўзини фикрлари билан 15 минут алмашишади. Кейинчалик бошқа саволга ўтилади.
5. «Қорчалар» услубида 2 гуруҳ талабалар битта муаммо ёки вазиятни ҳал қилишади - энг кўп тўғри жавоб олиш учун. Масалан «резерпин моддасининг фармакологик хусусиятлари». Ҳар бир тўғри жавобга гуруҳга қараб балл ёзилади. Энг кўп балл олган гуруҳ аъло баҳоланади.
6. «Асалари уяси» услубида битта муаммо гуруҳ талабалари билан ёки иккита кичик гуруҳ билан муҳокама қилинади. Вазифалар бир хил ёки ҳар хил бўлиши мумкин, 10-15 минут ичида гуруҳлар ушбу муаммоларни ҳал қилишга уринадилар ва уларни келтириладилар. Энг яхши жавоб танланади. Масалан «Сульфаниламид моддаларнинг фармакокинетикаси».
7. «Қора қути» усулида - қора қути келтирилади, уни ичида номаълум дори модда бўлади. Ўша модда тўғрисида қисқача маълумот келтирилади. Талабалар қутидаги моддани номини келтириши керак. Масалан қора қутида яллиғланишга қарши, циклооксигеназа ферментининг ингибиция қилиб простагландинлар ҳосил бўлишини камайтирадиган, ҳамда бу модда оғриқ қолдирувчи, ҳароратни туширувчи хусусиятга эга. Ушбу моддани номини айтиш керак. Бу модда ностероид яллиғланишга қарши модда - индометацин ёки бутадион.

Талабаларни билимини баҳолаш. Талабаларни билими ҳар бир машғулотда баҳоланади, 6 оралиқ баҳолаш ўтказилади. Йилнинг охирида якуний баҳолаш - оғзаки имтиҳон ўтказилади.

Талабалар эгаллаши лозим булган амалий кўникмалар:

1. Дори моддаларнинг таъсирини, уларнинг фармакологик хусусиятларини, таъсир механизмини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қила олиш.
2. Дори моддалардан қўлланилишга лозим бўлганларни танлай билиш, уларнинг фармакодинамикаси, фармакокинетикаси, ножўя таъсирлари ва қўлланишнинг монелик қилувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда беморларга тўғри буюра олиш.
3. Доринома (рецепт) ёзишнинг қоидаларини билиш.
4. Ҳар хил дори моддалар шаклларига доринома ёза билиш.
5. Дори моддаларини беморнинг ёши ва унинг организмнинг хусусиятла-рини ҳисобга олган ҳолда миқдорлаш.
6. Дори моддаларни биргаликда қўлланилганда уларни узаро таъсирини назарда тутиш.
7. Дори моддалари билан ўткир заҳарланишда беморга тез ёрдам кўрсата билиш.

Фанни ўзлаштиришда янги технологиялар қўллаш. Фармакология фанини ўзлаштиришда янги технологиялардан - компьютерлаштирилган режалар, интерактив усуллар, видеофильмлар, слайдлар таҳлил қилинади.

**Амалий машғулотлар (2 соат) ва уларга оид маърузалар
(2 соат) мавзуси.**

№	Амалий машғулотлар мавзуси	Маърузалар мавзуси
I бўлим. Умумий рецептура ва умумий фармакология		
1.	Кириш. Фармакологияни асосий вазифалари. Умумий рецептурани конун-қоидалари. Каттик дори моддалар шакллари: порошоклар, капсулалар, таблеткалар, йигиндилар.	1. Кириш. Фармакологияни тарихи. Мақсад ва вазифалари.
2.	Суюқ дори шакллари. Эритмалар, дамламалар, кайнатмалар, микстуралар, настойкалар, суюқ экстрактлар, эмульсиялар, суспензиялар.	2. Умумий фармакология. Дори моддаларнинг фармакокинетикаси.
3.	Суюқ дори шакллари. Сиртга ва инъекция учун қўлланиладиган эритмалар.	3. Умумий фармакология. Дори моддалар фармакодинамикаси.
4.	Юмшок дори шакллари. Малхамлар, пасталар, линиментлар, шамчалар, шариклар ва бошка дори моддалари	
5.	Умумий рецептурадан яқуний дарс.	
6.	Умумий фармакология. Фармакокинетика ва фармакодинамикани умумий конун қоидалари	
II -бўлим. Нейротроп моддалар		
7.	Афферент иннервацияга таъсир этувчи моддалар. Маҳаллий анестетиклар.	4. Афферент нервлар охирида сезувчанликни оширувчи ва камайтирувчи моддалар.
8.	Буриштурувчи, ўраб олувчи, адсорбцияловчи, юмшатувчи, қитиқловчи моддалар, уларни педиатрияда қўлланилиши.	
9.	Эфферент иннервацияга таъсир этувчи моддалар. М- ва Н - холинорецепторларга таъсир этувчи моддалар. М-холиномиметиклар, - пилокарпин, ацеклидин. М-Н- холиномиметиклар - карбохолин, ацетилхолин. Холинэстеразага қарши моддалар - прозерин, галантамин, дезоксипеганин, фосфакол. М-холинолитиклар - атропин гуруҳи. Педиатрияда қўлланилиши.	5. М- ва Н - холинорецепторларга таъсир этувчи моддалар.
10.	Н - холинорецепторларга таъсир этувчи моддалар. Н - холиномиметиклар - лобелин, цититон. Никотинни захарлилиги. Ганглиоблокаторлар-	6. Н - холинорецепторларга таъсир этувчи моддалар.

	бензогексоний, пирилен, пентамин. Миорелаксантлар - тубокурарин, диплацин, дитилин, диоксоний, мелликтин. Педиатрияда кулланилиши.	
11.	Адренорецепторларга таъсир этувчи моддалар: Адреномиметиклар бевосита ва билвосита α - β - адреномиметиклар - адреналин, гидрохлорид, норадреналин, эфедрин, мезатон, нафтизин, галазолин.	7. Адренорецепторларга таъсир этувчи моддалар. Дофамин ва серотонин рецепторларга таъсир этувчи моддалар.
12.	α -адренобло-каторлар - фентоламин, тропафен, празозин, дигидроэрготоксин, дигидроэрготаминам. β -адреноблокаторлар - анаприлин, окспреналол, метапролол. Симпатолитиклар - резерпин, октадин. α - β - адреноблокаторлар лабеталол.	
13.	Дофамин ва серотонин рецепторларга таъсир этувчи моддалар. Дофаминорецепторларни кўзгатувчи моддалар - дофамин, бромкриптин, апоморфин; серотонинорецепторларини кўзгатувчи - серотонин адипинат. Педиатрияда қўлланилиши.	
14.	II - нчи ОБ. Умумий фармакология ва вегетатив нерв системаси булимлари бўйича.	
15.	Марказий нерв системасига таъсир этувчи моддалар. Наркоз учун кулланиладиган моддалар. Ингаляцион ва ноингаляцион наркоз.	8. Наркоз учун кулланиладиган моддалар. Этил спирти.
16.	Этил спирти. МНС га таъсири. Алкоголни токсик таъсирлари.	
17.	Ухлатувчи моддалар - барбитуратлар.	9. Ухлатувчи моддалар. Талвасага, паркинсонизмга қарши моддалар.
18.	Тутканокка қарши - фенобарбитал, гексамидин, хлоракон, карбамазепин, вольпроат натрий.	
19.	Талвасага қарши - бензодиазепин унумлари, хлоралгидрат ва паркинсонизмга қарши - левадопа, мидантан, циклодол, наком моддалари.	
20.	Наркотик аналгетиклар ва уларнинг антагонистлари: морфин, омнопон, промедол, трамадол, фентанил, пентазоцин, налорфин, налоксон. Педиатрияда қўлланилиши.	10. Оғриқ қолдирувчи моддалар.
21.	Нонаркотик аналгетиклар: аналгин,	

	амидопирин, ацетилсалицилат кислота, бутадиион, парацетамол. Педиатрияда қўлланилиши.	
22.	Психотроп моддалар. Нейролептиклар- аминазин, этаперазин, трифтазин, фторфеназин, хлорпротиксен, галлоперидол, клозапин.	11. Асосан психозларда қўлланиладиган моддалар.
23.	Антидепрессантлар - имизин, амитриптилин, ниаламид, трансамин. Литий тузлари - литий карбонат. Педиатрияда қўлланилиши.	
24.	Транквилизаторлар ва седатив моддалар. Бензодиазепин унумлари. Тинчлантирувчи моддалар - бромидлар. Педиатрияда қўлланилиши.	
25.	Психостимуляторлар, аналептиклар, ноотроп моддалар, ГАМК-ергик моддалар. Фенамин, меридил, сиднокарб, кофеин, этимизол, стрихнин, пирацетам, аминалон. Педиатрияда қўлланилиши.	12. Психостимуляторлар, аналептиклар, ноотроп ва ГАМК-ергик моддалар.
26.	III - нчи ОБ МНС га таъсир этувчи моддалар бўлими бўйича якуний машғулот.	
III - бўлим. Ижрочи аъзоларга таъсир этувчи моддалар		
27.	Нафас аъзоларининг фаолиятига таъсир этувчи моддалар. Сурфактант ҳосил булишини оширувчи моддалар, нафас аналептиклари, йуталга қарши, балғам кўчирувчи моддалар, бронхолитиклар, ўпка шишида қўлланиладиган моддалар.	13. Нафас аъзоларининг фаолиятига таъсир этувчи моддалар.
28.	Юрак ва қон томир системасига таъсир этувчи моддалар. Кардиотоник моддалар. Юрак гликозидлари - дигитоксин, дигоксин, целанид, строфантин К, коргликон, конваллятоксин. Стероид бўлмаган кардиотоник моддалар.	14. Кардиотоник моддалар.
29.	Аритмияга қарши - хинидин, новокаинамид, этмозин, аймалин, панангин, аспаркам, лидокаин, дифенин, амиодарон, анаприлин.	15. Аритмияга қарши, юракни ишемик касаллигида қўлланиладиган моддалар.
30.	Юракни тож томирларига таъсир этувчи моддалар - нитритлар ва нитратлар, карбокромен, курантил, дипиридамол, папаверин, но-шпа, валидол, нопахлазин, коринфар, анаприлин. Миокард инфарктида қўлланиладиган моддалар.	
31.	Қон босимига таъсир этувчи моддалар. Гипертония касаллигида қўлланиладиган	16. Қон босимига таъсир этувчи моддалар. Сийдик ҳайдовчи моддалар.

	нейротроп, миотроп, кальций антагонистлари, ренин-ангиотензин системасига, сув-туз алмашинувига таъсир этувчи моддалар. Гипотония ҳолатида қўлланиладиган моддалар. Ангиопротекторлар. Мияда қон айланишига таъсир этувчи моддалар.	Бачадонни қисқариш фаолиятига таъсир этувчи моддалар.
32.	Сийдик хайдовчи моддалар- гипотиазид, фуросемид, урегит, промеран, ксантинлар, спиронолактон, маннит, мочевино, диакарб.	
33.	Бачадоннинг қисқаришига таъсир этувчи моддалар: окситоцин, питуитрин, котарнин, шохкуя моддалари, салбутамол.	
	Пешоб конкрементларининг ҳосил бўлишига ва уларнинг организмдан чиқишига таъсир этувчи моддалар- аллопуринол, этамид, уродан, цистенал, фитолизин.	
34.	Қон системасига таъсир этувчи моддалар. Эритропоэзни рағбатлантирувчи - темир моддалари, витамин В ₁₂ , фолат кислота. Лейкопоэзни рағбатлантирувчи - натрий нуклеинат, пентоксил. Гемостатиклар: коагулянтлар- тромбин, фибриноген, витамин К, викасол; Фибринолизинни ингибиторлари- аминокaproн кислота, контрикал; тромбоцитлар агрегацияси-ни оширувчилар- кальций моддалари. Қон ивишини сусайтирувчи - антикоагулянтлар: гепарин, фраксипарин, гирудин, цитрат натрий; фибринолитик, тромбоцитлар агрегациясига қарши - ацетилсалицилат кислота, дипиридамола моддалари.	17. Қон системасига таъсир этувчи моддалар.
35.	Меъда-ичак тизимининг фаолиятига таъсир этувчи моддалар. Иштахани оширувчи (аччиқ моддалар, инсулин), пасайтирувчи - фебранон, дезопимон, фенфлурамин моддалари. Ошқозон безлари фаолиятига таъсир этувчи: синама, гипоацид ва гиперацид ҳолатларда қўлланиладиган моддалар. Н ₂ - рецепторларини фалажловчи - циметидин, ранитидин. Антацидлар. Ошқозон ости беши фермент моддалари. Қўстирувчи ва қўсишга қарши, сурги моддалари. Педиатрияда қўлланилиши.	18. Меъда-ичак тизимининг фаолиятига таъсир этувчи моддалар.
36.	Жигар фаолиятига таъсир этувчи	19. Жигар фаолиятига таъсир этувчи

	моддалар. Холесекретик, холекинетиклар - дегидрохол кислота, холензим, холосас, магний сульфат, сорбит, ксилит. Гепатопротекторлар – антиоксидантлар (токоферол, убихинон, аскорбин кислота, биофлавоноидлар), гепатоцитлар мембранасини бутунлигини тиклай-диган моддалар - эссенциале, легалон, ЛИВ-52, силибор; витаминлар-В₁₂, С, фолат кислота. Микросомал ферментларнинг индукторлари-фенобарбитал, бензонал. Кобальтнинг координацион бирикмалари.	моддалар.
37.	Ижрочи аъзоларга ва системаларга таъсир этувчи моддалар бўйича якунловчи машғулот. IV - нчи ОБ.	
IV - бўлим. Метаболизмга таъсир этувчи моддалар.		
38.	Гормонал моддалар ва уларнинг антагонистлари. Оксил ва полипептид унумли гормонал моддалар: гипофиз-нинг олд бўлаги (троп гормонлари), ўрта бўлаги (интермедин) ва орқа бўлаги (питуитрин, окситоцин, адиурекрин). Паратиреодин. Ошқозон ости безининг гормонал моддалари - инсулин моддалари. Оғиз орқали юбориладиган синтетик моддалар. Қалқонсимон безининг гормонал моддалари: трийодтиронин гидрохлорид, тиреоидин, кальцитрин ва уларнинг антагонистлари-калий перхлорат, мерказолил.	20. Гормонал моддалар ва уларнинг синтетик ўринбосарлари ва қарама-қаршилари.
39.	Стероид тузилишга эга гормонал моддалар. Жинсий аъзоларнинг гормонал моддалари: аёллар-(эстрон, эстрадиол, прогестерон, оксипрогестерон капронат, прегнин, туринал), эркеклар (тестостерон пропионат, тестостерон энантат, метилтестостерон моддалари). Анаболик стероидлар-неробол (феноболин), неробол (метандростенолон), ретаболил. Буй-рак усти безининг гормонал моддалари дезоксикортикостерон ацетат, кортизон ацетат, преднизалон, преднизалон гемисукцинат, дексаметазон, триамцинолон, флуметазон пивалат.	
40.	Витаминлар ва витаминли моддалар. Сувда эрийдиган витаминлар-В₁ , В₂, В₃, В₅, В₆, В₁₂ , С.	21. Витаминлар ва витаминли моддалар.
41.	Ўйда эрийдиган витаминлар - ретинол, эргокальциферол, токоферол, нафтохинон,	

	викасол. Коферментлар. Провитаминлар.	
42.	Яллиғланишга қарши, иммунитетга таъсир этувчи, аллергияга қарши моддалар. Яллиғланишга қарши стероидлар - глюкокортикоидлар. Ностероид яллиғланишга қарши моддалар - ацетилсалицилат кислота, мефенам кислота, амидопирин, бутадион, индометацин, ибупрофен.	22. Яллиғланишга қарши, иммунитетга таъсир этувчи, аллергияга қарши моддалар. Сувсизлик, гипоксия, ацидозда қўлланиладиган моддалар. Биоген стимуляторлар.
43.	Иммуностимуляторлар - тимозин, тималин, тактивин, иммуномодуллин, интерферон, продигозан, левамизол. Иммунодепрессантлар - глюкокортикоидлар, азатиоприн, сандиммун. Гистаминга қарши моддалар - димедрол, дипразин, диазолин, тавегил, фенкалор, гистаглобулин, интал. H ₂ - рецепторларни фалажловчи моддалар.	
44.	Биоген стимуляторлар - алоэ, ФИБС, гумизол, плацента осилмаси, румалон, шишасимон тана, солкосерил. Асалари ва илон захарларидан олинадиган моддалар - апилак, апитоцин, апизартрон, вирапин, випералгин, випратокс. Мумиёи - асил.	
45.	Сувсизлик, гипоксия, ацидозни даволашда қўлланиладиган моддалар: натрий моддалари (натрий хлорид, бикарбонат натрий), полиглюкин, реополиглюкин, гемодез; калий моддалари (калий хлорид, панангин), кальций моддалари (кальций хлорид, кальций глюконат), магний сульфат, фосфор моддалари - фитин, АТФ, рибоксин, фосфокреатин.	
46.	V ОБ.	
V -булим. Микроорганизмларга қарши, химиотерапевтик моддалар.		
47.	Дезинфекцияловчи ва антисептик моддалар - галлоидлар, кислота ва ишкорлар, оксидловчилар, огир металл тузлари, формалин, детергентлар, спиртлар, фенол, нитрофуран унумлари, буёқлар. Химиотерапевтик моддалар. Антибиотиклар. Пенициллинлар: бензилпенициллиннинг натрийли, калийли, новокаинли тузлари, бициллин 1,3,5. Ярим синтетик пенициллинлар-метициллин, оксациллин, ампициллин, ампиокс, амоксиклав. Цефалоспоринлар - цефа-лотин, цефалоридин, (цепорин),	23. Дезинфекцияловчи ва антисептик моддалар. Химиотерапевтик моддалар. Антибиотиклар. Пенициллинлар. Цефалоспоринлар. Макролидлар.

	цефазолин (кефзол), цефалексин, цефотаксин (клафоран), цефтриаксон (лендамицин); макролидлар - эритромицин, олеандомицин.	
48.	Антибиотиклар. Тетрациклинлар, левомицетин. Аминогликозидлар - стрептомицин, неомицин, гентамицин, мономицин, канамицин, амикацин. Полимиксинлар.	24. Антибиотикларни давоми.
49.	Сульфаниламидлар ва турли кимёвий тузилишга эга бўлган микроорганизмларга қарши синтетик моддалар. Сульфаниламидлар - сульфадимезин, этазол, уросульфан, сульфапиридазин, сульфадиметоксин, сульфамономе-токсин, фталазол, сульфацил натрий, бактрим. Нитрофуран унумлари - интестопан, нитроксолин, фуразоли-дон, фурадонин, фурагин, оксихино-линлар: нитроксолин (5-НОК), интестопан, мексаформ, мексаза; хинолон унумлари - налидиксин кислота, абактал.	25. Сульфаниламидлар ва турли кимёвий тузилишга эга булган микроорганизмларга қарши синтетик моддалар.
50.	Силга, захмга, вирусларга қарши моддалар. Силга қарши моддалар- изониазид, фтивазид, этамбутол, натрий парааминосалицилат, бепаск, этионамид, протионамид, циклосерин, стрептомицин сульфат, канамицин, флоримицин, тиацетазон.	26. Силга, захмга, вирусларга қарши моддалар.
51.	Захмга қарши моддалар - бензилпенициллиннинг натрийли, калийли, новокаинли тузи, бициллинлар, бийохиноль, бисмоверол;	
52.	Вирусларга қарши моддалар - мидантан, оксолин, ремантадин, идоксуридин, метисазон, интерферон.	
53.	Протозойларга, микозларга, гижжаларга, хавфли ўсмаларга қарши дори моддалар. Безгакка, амёбиазга, трихомонозга, лямблиозга, токсоплазмозга, лейшманиозга қарши моддалар. Микозларга қарши моддалар. Хавфли ўсмаларга қарши қўлланиладиган алкилловчи, антиметаболит моддалар. Фитотерапия, афзаллиги ва камчиликлари.	27. Протозойларга ва замбуруғларга қарши моддалар. Хавфли ўсмаларни даволаш учун қўлланиладиган моддалар. Фитотерапия.
54.	Ушбу мавзудан кейин VI-нчи оралиқ ва якунловчи баҳолаш ўтказилади.	

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

А.Рецептурадан ўтадиган 2 соатли амалий машғулотни режасини бўлимларини вақти (минутларда).

Машғулот режаси.

I Рецепттурадан вазифани аниқлаш - 5 мин.

II Талабаларни бошланғич билимини текшириш.

1. Фаол сўров - **20 мин.**
2. Талабаларни билимини режалаштирилган савол-жавоблар билан аниқлаш - **5 мин.**
3. Рецепттурадан назоратли вазифаларни бажариш - **5 мин.**

III УИРС. Талабалар учун мустақил иши.

1. Мавзу бўйича дори моддаларни ҳар-хил шакллари тўплами билан танишиш - **5 мин.**
2. Дори моддалар шаклини тайёрлаш - **10 мин.**
3. Рецептлар ёзиш машқи - **10 мин.**

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Слайдлар кўрсатиш ва уларни таҳлил қилиш - **5 мин.**
2. Интерактив вазифаларни бажариш - **10 мин.**

V Талабаларнинг машғулот якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш - 10 мин.

VI Хулоса - 5 мин.

Б. Хусусий фармакологиядан ўтадиган 2 соатли амалий машғулотни режасини бўлимларини вақти (минутларда).

Машғулот режаси.

I Рецепттурадан вазифани текшириш - 5 мин.

II Талабаларни бошланғич билим даражасини аниқлаш.

1. Фаол сўров - **20 мин.**
2. Фармакодинамикадан вазифани бажариш - **5 мин.**

III УИРС. Талабаларни мустақил иши.

1. Мавзу бўйича дори моддаларни тўплами билан танишиш - **5 мин.**
2. Вазиятли вазифаларни бажариш - **10 мин.**
3. Фармакотерапиядан вазифани бажариш, танланган моддаларга рецептлар ёзиш - **10 мин.**

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Жадваллар, чизмалар, слайдлар кўрсатиш ва уларни таҳлил қилиш - **10 мин.**
2. Интерактив вазифаларни бажариш - **10 мин.**

V Талабаларни билимини машғулот якунида аниқлаш ва баҳолаш - 10 мин.

VI Хулоса - 5 мин.

БЎЛИМ I УМУМИЙ РЕЦЕПТУРА ВА УМУМИЙ ФАРМАКОЛОГИЯ.

Амалий машғулот 1

Мавзу: Кириш. Фармакологияни вазифалари, усуллари ва риважланиш тарихи. Умумий рецептура. Рецепт таркиби. Қаттиқ дори шакллари.

Соат сони - 2.

I Мақсад: Фармакология фани ва уни услублари билан таништириш. Рецепт ёзиш, қаттиқ дори шаклларига рецептлар ёзишни ўрганиш. Болалар организмини ҳисобга олган ҳолда дори моддаларини миқдорини ҳисоблаш. Умумий рецептурадан асосий машқларни бажариш.

Биринчи машғулот бўлгани учун мавзу педагог томонидан қуйидаги саволлар асосида тушунтирилади.

1. Фармакология фанини мақсад ва вазифалари. Дори воситаларини олиниши, тажрибаларда текшириш ва амалиётга татбиқ қилиш.
2. Рецептни умумий таркиби ва рецепт бланкаларини тури. Рецептни ёзиш қонун қоидалари. Кўрсатма ёзиш қоидалари. А гуруҳ моддаларига рецепт ёзиш қоидалари. Рецептни қўшимча белгилари. Болалар учун рецепт ёзиш хусусиятлари.
3. Доза (миқдор) ҳақида тушунча. Оғирлик ва ҳажм. Миқдорлаш учун болалар ёшини аҳамияти.
4. Порошок (кукун) - қаттиқ дори шакли, кукунларни тури, майдалилиги, ишлатилиши. Сиртга ишлатилиш учун кукунлар. Рецепт ёзиш қоидаси, шакл берувчи моддалар. Кукун тайёрлаш қоидаси.
5. Таблетка ҳақида тушунча. Таблеткаларни сифати ва чидамлилиги, уларга рецепт ёзиш қоидалари, қўлланилиши. Драже, таблеткадан фарқи.

Машғулот режаси.

I Педагог томонидан тушунтириш.

II Қаттиқ дори шакллари.

1. Саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисида танлаш.
2. Рецепттурадан назоратли вазифаларни бажариш.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

1. Мавзу бўйича қаттиқ дори шакллар тўплами билан танишиш.
2. Дори шакллари тайёрлаш.
3. Рецептлар ёзиш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Слайдларни муҳокама қилиш.
2. Интерактив вазифаларни бажариш.

V Талабаларни машғулот якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машигулот режасини амалга ошириш.

I Рецептурадан вазифани текшириш.

Вазифа 1

Қаттиқ дори шакллариға рецепт ёзиш.

1. 6та ичиш учун темисал (т. d. 0,3) кукуни мўмланган қоғозда.
2. 10 та опий (т. d. 0,1) кукуни.
3. Таркибида 10% дерматол бўлган 20,0 сепма.
4. Таркибида 40% крахмал ва 60% тальк бўлган 150,0 кукунсимон аралашма.
5. 10 ёшли болага таркибида красавка экстракти (т. d. 0,015) бўлган 10 та кукун.
6. 10 та резерпин (т. d. 0,00025) таблеткаси.
7. 10 та амидопирин (т. d. 0,25) таблеткаси.
8. 12 та хинин гидрохлорид (т. d. 0,5), крахмал капсулада.
9. 30 та стрихнин нитрат (т. d. 0,0005) бўлган кукун.
10. Кастор мойи 1,0 бўлган желатин капсулада.

Вазифа 2

Саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисиани танлаш.

1. Фармакология фанини вазифаси? а) инсон ва ҳайвон организмида дори моддалар таъсирида бўладиган сифатли ва миқдорий ўзгаришларни ўрганади; б) физиологик жараёнларни ўрганади; в) касалликни клиник ўтишини; г) дори моддаларни тайёрлашни ўрганади.
2. Қайси фан назарий ва амалий тиббиётни чамбарчас боғлайди: а) кимё; б) ботаника; в) фармакология; г) патологик физиология.
3. Фармакология фанини ривожланишида қайси Шарқ мамлакатларини аҳамияти катта бўлган: а) Тибет; б) Индия; в) Хитой; г) Араб давлатлари.
4. Фармакологияни ривожланишида қадимги ўзбек олимларини ҳиссалари: а) Гален; б) Гиппократ; в) Ибн Аббос; г) Абу Бакр Ар Розий; д) Абу Али ибн Сино; е) Абу Райхон Беруний; ж) Исмоил Журжоний; з) Умар Чагминий; и) Парацельс.
5. Экспериментал фармакология ривожланишида қайси рус олимлари ҳиссаси катта бўлган: а) А.П.Нелюбин; б) О.В.Забелин; в) Парацельс; г) И.П. Павлов; д) Ганеман; е) Н.П.Кравков.
6. Фармакологияни асосчиси: а) И.П.Павлов; б) Н.П.Кравков; в) С.В.Аничков; г) Д.А.Харкевич; д) М.Д.Машковский.
7. Дори воситаларини олиш йўллари: а) ёввойи ва маданий ўсимликлардан; б) ҳайвон аъзолари ва тўқималари; в) синтез усули.
8. Плацебо - нима? а) дори воситаси; б) дори шакли (ташки кўриниши, ҳиди, таъми бир хил, лекин таркибида дори воситаси йўқ); в) озиқали қўшимча.

Вазифа 3

Рецептурадан назоратли вазифаларни бажариш. Тўғри ёзилган рецептни аниқлаш, қолганларида хатосини кўрсатиш.

1. Дозаси 0,02 бўлган папаверин гидрохлоридига 10 та кукун ёзинг.

Rp. Papaverini hydrochloridi 0,02
M.f. pulvis

Rp. Papaverini hydrochloridi 0,02
Sacchari albi 0,3

D.t.d.N 10
S. 1 пор. 2 марта кунига.

Rp. Papaverini hydrochloridi 0,02
Sacchari albi 0,3
D.t.d.N 10 in pulvis
S. 1 пор. 2 марта кунига.

M.f. pulvis
D.t.d.N 10
S. Кунига 1 пор. 2 марта.

Rp. Papaverini hydrochloridi 0,02
Sacchari albi 0,3
D.t.d.N 10
S. 1 пор. кунига 2 марта

2. Фенобарбитал (т.д.0,2) 12 та кукун.

Rp. Phenobarbitali 0,2
D.t.d.N 12
S. 1 пор. кечасига.
Rp. Pulveris Phenobarbitali 0,2
D.t.d.N 12
S. 1 пор. кечасига.

Rp. Phenobarbitali 0,2
D.t.d.N 12 in pulvis
S. 1 пор. 3 кечасига.
Rp. Pulveris Phenobarbitali 0,2
D.t.d.N 12
S. 1 пор. 3 марта.

3. 12 та амидопирин (т.д. 0,25) таблеткаси. 1 таблеткадан бош оғриганда.

Rp. Amidopyrini 0,25
Sacchari albi 0,3
D.t.d.N 12 in tabul.
S. 1 таблеткадан бош оғриганда.

Rp. Amidopyrini 0,25
D.t.d.N 12 in tabul.
S. 1 таблеткадан бош оғриганда.

Rp. Amidopyrini 0,25
D.t.d.N 12
S. 1 таблеткадан бош оғриганда.

Rp. Tab. Amidopyrini 0,25
D.t.d.N 12 in tabul.
S. 1 таблеткадан бош оғриганда.

4. Таркибида 0,25 дан аналгин ва амидопирин бўлган 12 та таблетка. 1 таблеткадан кунига 3 марта.

Rp. Analgini
Amidopyrini aa 0,25
D.t.d.N 12
S. 1 таблеткадан кунига 3 марта.

Rp. Analgini 0,25
Amidopyrini
D.t.d.N 12 in tabul.
S. 1 таблеткадан кунига 3 марта.

Rp. Analgini
Amidopyrini aa 0,25
D.t.d.N 12 in tabul.
S. 1 таблеткадан кунига 3 махал.

Rp. Analgini
Amidopyrini 0,25
D.t.d.N 12 in tabul.
S. 1 таблеткадан кунига 3 марта.

5. Таркибида 0,25 дан 20 та аминазин дражесини. 1 дражедан кунига 3 марта.

Rp. Aminazini 0,025
D.t.d.N 20 in dragee
S. 1 дражедан кунига 3 махал.

Rp. Aminazini 0,025
D.t.d.N 20
S. 1 дражедан кунига 3 махал.

Rp. Drage Aminazini 0,025
D.t.d.N 20

Rp. Drage Aminazini
D.t.d.N 20

S. 1 дражедан кунига 3 махал.

S. 1 дражедан кунига 3 махал.

6. 24 та аскорбин кислотаси (т.д.0,3) кукун, биттадан кунига 3 марта.

Rp. Pulveris Acidi ascorbinici 0,3
D.t.d.N 24
S. 1 пор. кунига 3 марта.

Rp. Acidi ascorbinici 0,3
D.t.d.N 24
S. 1 пор. кунига 3 марта.

Rp. Acidi ascorbinici 0,3
D.t.d.N 24 in pulvis
S. 1 пор. кунига 3 марта.

Rp. Pulveris Acidi ascorbinici
D.t.d.N 24
S. 1 пор. кунига 3 марта.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

Вазифа 4

Қаттиқ дори шакллари тўплами билан танишиш.

Вазифа 5

Қаттиқ дори шакллари тайёрлаш.

Оддий бўлинган кукун, 0,3г аскорбин кислотада 12 та кукун тайёрлаш: торозда 0,3г дан 12 марта аскорбин кислота тортиб олинади ва қоғоз бўлакчаларига солиб ўраб қўйилади, улар умумий пакетчага солинади, этикеткасида сони ва дозаси кўрсатилади. Шу ҳолатда беморларга берилади.

Мураккаб бўлинган кукун - таркибида 0,3г фенацетин ва 0,1г кофеин бензоат натрий бўлган 6 та кукун тайёрлаш. 6 та кукун тайёрлаш учун 0,6г кофеин бензоат (0,1 х 6), 1,8г фенацетин (0,3 х 6) миқдор торозда тортиб олинади. Иккала кукунни чинни идишга солиб яхшилаб аралаштирилади. Ҳар бир кукун $0,3 + 0,1 = 0,4$ бўлиши керак. Бу миқдор тарозда тортиб олиниб 6 та қоғозга ўралади ва пакетчага солинади, этикеткасида сони ва дозаси кўрсатилади. Шу ҳолатда беморларга берилади.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

Вазифа 6

Слайдларни таҳлили: 1. Таблеткалар. 2. Қобиқли таблетка. 3. Таблеткалар ўрам шакли. 4. Драже. 5. Кукунлар. 6. Сепмалар. 7. Капсулалар. 8. Капсула ўрам шакли.

Вазифа 7

Интерактив вазифаларни «асалари уяси», «мияга хужум» усуллари билан ўтказиш.

V Талабаларнинг машғулоти якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Амалий машғулоти моддий таъминланиши: қаттиқ дори шакллар тўплами, мавзу бўйича слайдлар, тороз, тошлар, ховонча, аскорбин кислотаси, фенацетин, кофеин - бензоат. Қоғоз капсулалар, этикеткалар намунаси, диапроектор.

Амалий машғулоти 2

**Мавзу: Суюқ дори шакллари, (қошиқ ва томчиларда микдорланадиган).
Эритмалар, дамлама, қайнатма, аралашма, настойка, суюқ экстрактлар.**

Соат сони - 2.

I Мақсад: Талабаларни суюқ дори шакллари билан таништириш.

II Вазифалар: 1. Суюқ дори шакллари умумий тавсифи, қошиқларда микдорланган суюқ дори шакллариға тўлиқ ва қисқа рецептлар ёзиш усулини ўрганиш.

2. Дамлама ва қайнатмаларни таёрлашни билиш.

3. Суюқ дори шакллариға рецептлар ёзиш.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар.

1. Қошиқ билан ўлчанадиган суюқ дори шакллари. Эритмалар. Бу дори шаклини афзаллик ва камчиликлари. Эритмалар учун асосий шакл берувчи, таъм ва ҳидини ўзгартирувчи, камраб олувчи моддалар. Ёзилаётган эритмани дозалаш, қошиқ ҳажми, умумий микдори. Эритмаларни ёзиш қоидаси, тўлиқ ва қисқа шакли.

2. Дамлама ва қайнатмалар. Умумий характеристикаси ва фарқи. Дамлама ва қайнатмаларни тайёрлаш усуллари.

3. Эмульсиялар. Эмульсия турлари. Тайёрлаш қоидаси. Томчи холда дозланадиган эмульсиялар.

4. Томчи билан ўлчанадиган суюқ дори шакллари. Эритмани умумий микдори. Эритма томчиларни рецептда ёзиш усуллари (ичиш учун томчи, кўз, қўлоқ, бурун учун томчилар).

5. Настойка ва суюқ экстрактларни умумий характеристикаси, фарқи, тайёрлаш усули ва микдорлаш. Рецепт ёзиш қоидаси.

Машғулот режаси.

I Рецепттурадан вазифани текшириш.

II Талабаларни бошланғич билим даражасини аниқлаш.

1. Фаол сўров.

2. Саволларға режалаштирилган жавоблардан тўғриси танилаш.

3. Рецепттурадан назоратли вазифаларни бажариш.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

1. Мавзу бўйича суюқ дори шакллари тўплами билан танишиш.

2. Суюқ дори шакллари тайёрлаш.

3. Рецептлар ёзиш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Слайдларни муҳофаза қилиш.

2. Интерактив вазифаларни бажариш.

V Талабаларни машғулот якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машғулот режасини амалга ошириш.

I Рецепттурадан вазифани текшириш.

Вазифа 1

Мустақил ёзилган рецептларни текшириш.

1. 8 ёшли болага кальций глюконат эритмаси (т. д. 0,5) чой қошиқда.

2. Калий иодид эритмаси (т. д. 0,45) ош қошиқда.

3. 1:30 нисбатда, 12 қабулга баҳор майсаси (Adonis vernalis) ўтидан дамлама.

4. 1:10 нисбатда толокнянка баргидан қайнатма.
5. Таркибида 3% натрий бромид ва 0,5 % кодеин бўлган аралашма ош қошиқда.
6. Таркибида 30 мл кастор мойи бўлган эмульсия, ичиш учун 3 қабулга.
7. 10 мл красавка (Belladonae) настойкаси, 10 томчидан кунига 2 маҳал ичиш учун.
8. Атропин эритмаси (т. д. 0,0005). 10 томчидан кунига 2 маҳал ичиш учун.
9. 30 мл суюқ крушина экстракти, 30 томчидан кечасига.

II Талабаларни бошланғич билимини аниқлаш.

Вазифа 2

Фаол сўров. Мустақил тайёрланиш учун саволлар асосида.

Вазифа 3

Фармакодинамикадан келтирилган саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисиани танлаш.

1. Суюқ дори шакллари танлаш: а) паста; б) эритма; в) линимент; г) аралашма; д) дамлама; е) қайнатма; ж) экстрактлар.
2. Суюқ дори шакллари эритувчилари: а) дистилланган сув; б) этил спирти 70%, 90%, 96%; в) шафтоли, вазелин, олив мойлар; г) глицерин; д) эфир.
3. Эритма учун хос хусусият: а) тиниклик; б) чўкмалар тутмайди; в) сувда эримади; г) суюқликларда (эфир мойи, ёғлар) эримади; д) сутга ўхшайди.
4. Суспензияга хос хусусият: а) тиниклик; б) чўкмалар тутмайди; в) сувда эримади; г) суюқликларда (эфир мойи, ёғлар) эримади; д) сутга ўхшайди; е) эримайдиган қаттиқ майдаланган дори воситалари ома ҳолатда бўлади; ж) сиртга ишлатилиш учун.
5. Дамламалар ўсимликни қайси қисмидан тайёрланади? а) нозик қисмидан (гули, барги); б) дағал қисмидан (пўстлоқ, илдиз).
6. Қайнатмалар ўсимликни қайси қисмидан тайёрланади? а) нозик қисмидан (гули, барги); б) дағал қисмидан (пўстлоқ, илдиз).
7. Болалар учун аралашмага нима қўшилади: а) мой; б) сироп; в) қаттиқ моддалар.
8. Настойка учун хос хусусият: а) доривор ўсимликлардан ажратиб олинади; б) доривор ўсимликлардан спиртда ажратиб олинади; в) 1:5 ва 1:10 нисбатда тайёрланади; г) официнал; д) магистрал.
9. Экстрактлар қандай бўлади: а) қаттиқ б) суюқ; в) қуюқ; г) қурук.
10. Сиртга ишлатилувчи эритмалар: а) суспензия; б) экстракт; в) кўз, қулоқ, бурун томчилари; г) примочка, ювиш, чайиш учун эритмалар.

Вазифа 4

Туғри ёзилган рецептни танлаш, бошқаларида хатосини кўрсатиш.

1. 4 кунга натрий бромид эритмаси тайёрлансин, 1 мартада 0,3 г натрий бромид 1 ош қошиқдан кунига 3 марта қабул қилиш учун.

Rp. Natrii bromidi 3,6 - 180 ml
D.S. 1 ош қошиқдан 3 маҳал.

Rp. Natrii bromidi 180 ml
D.S. 1 ош қошиқдан 3 маҳал.

Rp. Sol. Natrii bromidi 3,6 - 180 ml
D.S. 1 ош қошиқдан 3 маҳал.

Rp. Sol. Natrii bromidi 2% - 180 ml
D.S. 1 ош қошиқдан 3 маҳал.

2. 6,0 баҳорги майса ўтидан 180 мл дамлама.

Rp. Infusi Herbae Adonis Vernalis 6,0
D. S. 1 ош қошиқдан 3 марта.

Rp. Herbae Adonis Vernalis 6,0
Aq. destill. 180
M. f.Solutio
S. 1 ош қошиқдан 3 марта.

Rp. Infusi Herbae Adonis Vernalis
6,0-180 ml
D. S. 1 ош қошиқдан 3 марта.

Rp. Inf. Herbae Adonis Vernalis
6,0-180 ml
M. D. S. 1 ош қошиқдан 3 марта.

3. Майский ландышдан 20 мл настойка, кунига 20 томчидан 2 марта қабул қилиш учун.

Rp. Tinct. Convallariae majalis 20,0
S. 20 томчидан 2 марта.

Rp. Tinct. Convallariae majalis 20,0
D. S. 20 томчидан 2 марта.

Rp. Tinct. Convallariae majalis 20 ml
D. S. 20 томчидан 2 марта.

Rp. Tinct. Convallariae majalis 1:10 20 ml
D. S. 20 томчидан 2 марта.

4. 180 мл аралашма, таркибида 1 қабулга 0,005 кофеин бензоат натрий ва 0,2 амидопирин,
1 ош қошиқдан кунига 2 марта.

Rp.Coffeini - natrii benzoatis 0,05
Amidopyrini 0,2
Aq. destill ad 180 ml
M.D.S. 1 ош қошиқдан 2 марта.

Rp.Coffeinum natrii benzoatis 0,6
Amidopyrini 0,4
Aq. destill ad 180 ml
M.D.S. 1 ош қошиқдан 2 марта.

Rp.Coffeinum-natrii benzoatis 0,6 - 180 ml
Amidopyrini 2,4
Aq. destill ad 180 ml
M.D.S. 1 ош қошиқдан 2 марта.

Rp.Coffeinum natrii benzoatis 0,6
Amidopyrini 2,4
Aq. destill ad 180 ml
D.S. 1 ош қошиқдан 2 марта.

5. 0,1% - 10 мл атропин сульфат эритмаси, 10 томчидан кунига 2 марта.

Rp. Atropini sulfatis 0,01-10 ml
D.S. 10 томчидан кунига 2 марта.

Rp. Sol. Atropini sulfatis 0,01-10 ml
D.S. 10 томчидан кунига 2 марта.

Rp. Sol. Atropini sulfatis 10 ml
D.S. 10 томчидан кунига 2 марта.

Rp. Sol. Atropini sulfatis 0,1%-10 ml
D.S. 10 томчидан кунига 2 марта.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

Вазифа 5

Суюқ дори шакллари тўплами билан танишиш.

Вазифа 6

Суюқ дори шаклларини тайёрлаш.

Ичиш учун 12 қабулга эритма тайёрлаш, таркибида ҳар бир қабулда 0,3 калий йодид ва 0,2 натрий бромид бўлсин. 1 ош қошиқдан кунига 3 марта. Калий йодид керакли миқдорда тортиб олинади ва 50-70 мл дистилланган сувда эритилади. Эритмани ўлчамли цилиндрга солиб, устига керакли миқдорда натрий бромид қўшиб аралаштирилади сўнгра керакли хажмгача сув солинади. Эритма филтрланади.

12 қабулга баҳорги майса ўтидан дамлама тайёрлаш, ҳар бир қабулга 0,5 дан 1 ош қошиқдан кунига 3 марта. Керакли миқдордаги майдаланган баҳорги майса ўти тортиб олинади. Сўнгра керакли миқдорда сув солиниб 15 мин давомида қайнаб турган сувда ушланади, 30 мин совутилади, сўнгра докадан филтрланади, керакли миқдоргача дистилланган сув қўйилади.

Вазифа 7

Рецептурадан машқ. 1) 10 ёшли болага натрий йодид эритмаси (т. д. 0,5) 1 десерт қошиқдан буюрилади. 2) Кальций хлорид эритмаси (т. д. 0,5) 1 ош қошиқдан 12 қабулга. 3) Наперстянка баргидан дамлама (т. д. 0,05) 10 ёшга. 4) Дуб пўстлогидан қайнатма (1:10). 5) Аралашма, таркибида 0,45 термописис ўти, 0,2 кодеин фосфат, ош қошиқда буюрилади. 6) 20 мл балиқ мойидан 200 мл эмульсия, 1 ош қошиқдан. 7) 25 мл валериана настойкасини 25 томчидан қабулга. 8) 25 мл ландыш ва валериана настойкаси тенг миқдорда, қабулига 25 томчидан, кунига 2 маҳал. 9) 10 мл фурацилинни спиртли эритмаси (1:1500) 2-3 томчи. 10) 20 мл дўлана суюқ экстракти 20 томчидан кунига 2 марта.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

Вазифа 8

Жадваллар ва слайдлар тахлили:

1 жадвал

Дамлама ва қайнатма тайёрлаш учун қўлланиладиган ўсимликлар қисми.

Ўсимлик қисмлари номлари	Бош келишиқ бирлик сонда	Қаратқич келишиқ кўплик сонда
пўстлог	cortex	corticis
илдиз	radix	radicis
илдизпоя	rhizoma	rhizomatis
барг	folium	folii
ўт	herba	herbae
гул	flos	floris

2 жадвал

Дамлама ва қайнатма тайёрлаш хусусиятлари.

Дори шаклиноми	Дори шакли тайёрланиши учун олинувчи ўсимлик қисми	Қўлланилувчи суюқлик	Сув ҳам-момида қайна-тиш вақти, мин	Совутиш вақти, мин	Дори шаклини қайси ҳолатда сузиб олиш ёки филтрлаш

Дамлама	Барглар, ўт, гуллар	Дистилланган сув	15	45	Совутилган холда
Қайнатма	Пўстлоқ, илдизлар, илдизпоя	Дистилланган сув	30	10	Иссиқ холда

Слайдлар:

1. Сувли эритмалар. 2. Ичиш учун эритма. 3. Эмульсия. 4. Дамлама. 5. Қайнатма. 6. Аралашма. 7. Аромат сувлар.

Вазифа 9

Интерактив вазифаларни «қорчалар», «қора қути» усуллари билан ўтказиш.

V Талабаларнинг машғулоти якунидаги билим даражасини аниқлаш.

VI Хулоса.

Машғулоти моддий таъминланиши: мавзу бўйича дори шакллари тўплами, слайдлар, тороз, тошлар, ховонча, улчов цилиндр, воронка, шиша идишлар (200 мл), капсулалар, дистилланган сув, этикеткалар, инфундирка, калий йодид кукуни, натрий бромид, наперстянка барги, горицвета ўти, филтрлар, диапроектор.

Амалий машғулоти 3

Мавзу: Суюқ дори шакллари. Сиртга қўллаш учун эритмалар ва инъекциялар.

Соат сони - 2.

I Мақсад: Сиртга ишлатилувчи дори воситалар билан танишиш. Болалар ва катталарга рецептлар ёзиш.

II Вазифалар:

1. Сиртга қўлланилувчи суюқ дори шаклларига рецепт ёзиш қоидабини билиш.
2. Дори шакллари тўплами билан танишиш.
3. Примочка ва клизма учун эритма тайёрлаш.
4. Рецептлар ёзиш.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар.

1. Сиртга қўлланилувчи суюқ дори шакллари умумий характеристикаси.
2. Инъекция учун эритмаларни умумий характеристикаси.
3. Рецепт ёзиш усуллари: кенг, қисқартирилган.

Машғулоти режаси.

I Рецептурадан вазифани текшириш.

II Талабаларни бошланғич билим даражасини аниқлаш.

1. Фаол сўров.
2. Саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғриси таниш.

3. Рецептурадан назоратли вазифаларни бажариш.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

1. Мавзу бўйича дори моддалар шаклларини ёзиш ва тўплами билан танишиш.
2. Рецептурадан машқ.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Слайдларни муҳокама қилиш.
2. Интерактив вазифаларни бажариш.

V Талабаларнинг машғулоти якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машғулоти режасини амалга ошириш.

I Рецептурадан вазифани текшириш.

Вазифа 1

Рецептларни мустақил ёзиш ва моддаларни қўлланишини кўрсатиш.

1. 3% - 100 мл водород пероксид эритмаси, чайиш учун.
2. 1% - 25 мл бриллиант кўкини спиртли эритмаси.
3. Клизма учун хлоралгидрат (т. д. 0,5).
4. 0,5% - 2 мл новокаин эритмаси, ампулада.
5. 500000 ЕД дан бўлган 10 та флакон бензилпенициллинни натрийли тузи.
6. 5% - 200,0 мл глюкоза эритмаси вена ичига.
7. 10 ампула 0,05% - 1,0 мл строфантин К эритмаси.
8. 10 ампула 1% - 1 мл омнопон эритмаси.
9. Дуб пўстлоғи қайнатмаси 1:10 нисбатда чайиш учун
10. Инъекция учун инсулин 5 мл (1мл=40 ЕД) флаконда.

II Талабаларни бошланғич билим даражасини аниқлаш.

Вазифа 2

Фаол сўров. Мустақил тайёрланиш учун саволлар асосида.

Вазифа 3

Фармакодинамикадан келтирилган саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисини танлаш.

1. Сиртга қўллаш учун дори шакллар: а) эмулсия; б) суспензия; в) томчилар; г) примочкалар; д) чайиш, клизма.
2. Қайси эритмалар сиртга қўлланади: а) магистрал; б) эмульсия; в) суспензия; г) йиғмалар; д) официнал.
3. Инъекция учун эритмалар қандай қўлланилади: а) тери остига; б) ичиш учун; в) мушак орасига; г) вена ичига; д) орқа мия каналига; е) сиртга.
4. Инъекция тайёрлаш учун эритмалар: а) дистилланган сув; б) ёғлар; в) суспензия; г) линимент; д) натрий хлоридни изотоник эритмаси.
5. Инъекция учун ишлаб чиқариладиган дори шакллари: а) ампула; б) флакон; в) шамчалар; д) шприц-тюбик.
6. Суюқ органик моддаларни микдорлаш: а) мл; б) оғирлик ўлчови; в) таъсир бирлиги ТБ.

7. Инъекция учун дори воситаларига хос хусусиятлари: а) кўпчилик ҳолатда ампулада чиқади; б) стерил; в) концентрацияси кўрсатилади, ҳажми, миллилитрда; г) таъсири тез бошланади.

Вазифа 4

Туғри ёзилган рецептни кўрсатиш, бошқаларида хатосини аниқлаш.

1. 1%-1мл морфин гидрохлорид эритмасидан 10 ампула ёзиш.

Rp. Mophini hydrochloridi 1% - 1мл
D.t.d.N 6 in ampullis
S. 1 мл дан т/о.

Rp. Sol. Mophini hydrochloridi 1% - 1мл
D.t.d.N 6
S. 1 мл дан т/о.

Rp. Sol. Mophini hydrochloridi 1% - 1мл
D.t.d.N 6 in ampullis
S. 1 мл дан т/о.

Rp. Sol. Mophini hydrochloridi 1% - 1мл
D.t.d.N 6 in ampullis
S. 1 мл дан т/о.

2. 1 мл ли 10 та ампула цититонни ёзиш.

Rp. Sol. Cytitoni 1 мл
D.t.d.N 10 in ampullis
S. 1 мл дан в/и

Rp. Cytitoni 1 мл
D.t.d.N 10 in ampullis
S. 1 мл дан в/и

Rp. Cytitoni 1 мл
D.t.d.N 10
S. 1 мл дан в/и

Rp. Cytitoni 1% - 1 мл
D.t.d.N 10 in ampullis
S. 1 мл дан в/и

3. 10 фл. бензилпенициллин натрийни 500 000 ЕД дан кунига 3 маҳал мушаклар орасига.

Rp. Benzylpenicilini - natrii 500 000 ЕД
D.t.d.N 10
S. 500000 ЕД ни 2мл 0,25% стерилланган новокаин эритмасида эритиб кунига 3 марта м/о.

Rp. Benzylpenicilini natrii 500 000 ЕД
D. S. 500000 ЕД ни 2мл 0,25% стерилланган новокаин эритмасида эритиб кунига 3 марта м/о.

Rp. Benzylpenicilini natrii 500 000 ЕД
D.t.d.N 10 in flaconis
S. 500000 ЕД ни 2мл 0,25% стерилланган новокаин эритмасига эритиб кунига 3 марта м/о.

Rp.Sol. Benzylpenicilini natrii 500 000 ЕД
D.t.d.N 10
S. 500000 ЕД ни 2мл 0,25% стерилланган новокаин эритмасида эритиб кунига 3 марта м/о.

4. 1 мл - 5 ЕД бўлган питуитриндан 6 ампула т/о.

Rp. Pituitrini 1мл(1мл=5 ЕД)
D.t.d.N 6
S. 1 мл (5ЕД) дан т/о.

Rp. Sol. Pituitrini 1мл
D.t.d.N 6 in ampullis
S. 1 мл (5ЕД) дан т/о.

Rp. Pituitrini 1мл(1мл=5 ЕД)
D.t.d.N 6 in ampullis
S. 1 мл (5ЕД) дан м/о.

Rp. Pituitrini 1мл
D.t.d.N 6 in ampullis
S. 1 мл (5ЕД) дан т/о.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

Вазифа 5

Суюқ дори шакллари тўплами билан танишиш.

Вазифа 6

Рецептурадан машқ. 1) 0,5% аччиқ тош эритмасига примочка учун рецепт. 2) 3% бор кислотаси чайиш учун, кенгайтирилган шаклда. 3) 5% йодни спиртли эритмаси қисқа шаклда. 4) Натрий хлоридни изотоник эритмасидан 500 мл вена ичига. 5) Фурациллин эритмаси 1:5000 жарохатни тозалаш учун. 6) Инъекция учун 10 та ампула промедол (т. д. 0,02). 7) 10 ампула цититон 1мл, вена ичига. 8) 5 флакон тиопентал натрий (т. д. 1,0). 9) 0,25%-200мл новокаин эритмаси, стерил холатда. 10) 10 флакон бензилпенициллинни натрийли тузи (т. д. 500000 ТБ).

IV Янги педагогик технологияни қўллаш.

Вазифа 7

Слайдлар таҳлили:

1. Парентерал юбориш учун эритмалар. 2. Дори воситаси ва эритувчилар сақловчи дори шакллари. 3. 1 марталик шприц - ампулалар. 4. Кўп марталик шприц - ампулалар. 5. Дори шакллари ўрам турлари. 6. Клизмалар (хўкналар).

Вазифа 8

Интерактив вазифаларни «асалари уяси», «қора қути» усуллари билан ўтказиш.

V Талабаларни машғул�т якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машғул�тни моддий таъминланиши: мавзу бўйича дори шакллари тўплами ва слайдлар, тороз, тошлар, ховонча, ўлчов цилиндри, воронка, шиша идишлар (200 мл), қайчи, алюмин ацетат, рух сульфат, диапроектор.

Амалий машғул�т 4

Мавзу: Юмшоқ дори шакллари (малҳамлар, суюқ малҳамлар, қуюқ малҳамлар, шамчалар)

Соат сони - 2.

I Мақсад: Юмшоқ дори шакллари билан танишиш.

II Вазифалар:

1. Юмшоқ дори шакллари ёзилиши - малҳам, паста, шамча, шарчалар, линиментлар ва уларни бир-биридан фарқини билиш.
2. Официнал малҳам, линимент, пасталарни билиш.
3. Малҳам, линимент, шамчаларга рецептлар ёзиш.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар.

1. Малхам, паста, линимент, шамчалар. Малхамларни таснифланиши. Шакл берувчи моддалар тавсифи: хайвон махсулоти, нефтни қайта ишлаш махсулоти, ўсимлик мойи. Официнал ва магистрал малхамлар.
2. Пасталар. Пасталар тавсифи. Пасталарни малхамдан фарқи. Ёзилиш шакллари. Официнал пасталарга рецептлар ёзиш.
3. Линиментлар. Линиментлар тавсифи. Малхамдан фарқи. Линиментларни ёзилиш шакллари.
4. Шамчалар. Ректал ва вагинал шамчалар. Шамча тайёрлашда ишлатилувчи асос моддалар.

Машғулот режаси.

I Рецептурадан вазифани текшириш.

II Талабаларни бошланғич билим даражасини аниқлаш.

1. Фаол сўров.
2. Саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисида танлаш.
3. Рецептурадан назоратли вазифаларни бажариш.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

1. Мавзу бўйича дори моддалар шаклларида тўплами билан танишиш.
2. Юмшоқ дори шаклларида тайёрлаш.
3. Рецептлар ёзиш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Слайдларни муҳокама қилиш.
2. Интерактив вазифаларни бажариш.

V Талабаларни машғулот якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машғулот режасини амалга ошириш.

I Рецептурадан вазифани текшириш.

Вазифа 1

Мустақил ёзилган рецептларни текшириш.

1. Вишневский линиментига рецепт.
2. Таркибида 10% дерматол тутувчи 30,0 вазелинда тайёрланган малхам.
3. 5%-25,0 официнал синтомицин линименти.
4. Таркибида 2,5% бор кислотаси, 3% рух оксиди ва 5% крахмал 50,0 малхам вазелинда.
5. 10% рух малхами.
6. 5% анестезин пастаси.
7. Таркибида 0,15 ихтиол бўлган 6 та вагинал шамча.
8. Таркибида 0,015 белладонна экстракти бўлган 5 та ректал шамча.
9. Таркибида 0,25 осарсол бўлган 10 вагинал шамча
10. Таркибида 0,25 анестезин бўлган 10 ректал шамча.

II Талабаларни бошланғич билим даражасини аниқлаш.

Вазифа 2

Фаол сўров. Мустақил тайёрланиш учун саволлар асосида.

Вазифа 3

Фармакодинамикадан келтирилган саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисиани танлаш.

1. Юмшоқ дори шакллари: а) драже; б) шамчалар; в) малхам; г) линимент; д) аралашма; е) паста.
2. Тайёрланишига қараб қандай малхамлар мавжуд: а) официнал; б) косметик; в) магистрал; г) озиклантирувчи; д) кўз малхами.
3. Магистрал малхамлар тайёрланиши: а) химфармзаводда; б) уй шароитида; в) врач рецепти бўйича дорихонада.
4. Малхам асослари: а) шафтоли мойи; б) вазелин; в) ланолин; г) чўчка мойи; д) пахта мойи; ж) кунгабоқар мойи.
5. Линиментлар учун асосларни белгиланг: а) шафтоли мойи; б) вазелин; в) ланолин; г) чўчка мойи; д) пахта мой; ж) кунгабоқар мойи.
6. Пастада кукунсимон моддалар қанча фоиз бўлади: а) 10%; б) 15%; в) 25%; г) 50%.

Вазифа 4

Туғри ёзилган рецептни кўрсатиш, бошқаларида хатосини аниқлаш.

1. 5% анестезин бўлган 30,0 малхам.

Rp. Anaesthesini 1,5
Vasilini 30,0
D.S. Сиртга.

Rp. Anaesthesini 1,5
Vaselini ad 30,0
M.f. Unguentum
D.S. Сиртга.

Rp. Anaesthesini 3,0
Vaselini ad 30,0
M.f. Unguentum
D.S. Сиртга.

Rp. Unguenti Anaesthesini 30,0
D.S. Сиртга.

2. 5% рух оксиди бўлган 50,0 ланолинли паста.

Rp. Zinci oxydati 2,5
Lanolini ad 50,0
M.f. pasta
D.S. Сиртга.

Rp. Zinci oxydati 2,5
Amyli 15,0
Lanolini ad 50,0
D.S. Сиртга.

Rp. Zinci oxydati 2,5
Amyli 15,0
Lanolini 50,0
M.f. pasta

Rp. Zinci oxydati 2,5
Lanolini
M.f. pasta
D.S. Сиртга.

D.S. Сиртга.

3. 0,25 осарсол бўлган 6 та вагинал суппозиторий, 1 суппозиторийдан кунига 2 махал.

Rp. Osarsoli 0,25	Rp. Osarsoli 0,25
Olei Cacao q. s.	Olei Cacao q. s.
M.f. Suppositorium	D. S. 1 супп. 2 марта кунига.
S. 1 супп. 2 марта кунига.	

Rp. Osarsoli 0,25	Rp. Osarsoli 0,25
Olei Cacao q. s.	Olei Cacao q. s.
D.t.d, N 6	M.f. Suppositorium vaqinale
S. 1 супп. 2 марта кунига.	t. d. N6
	S. 1 супп. 2 марта кунига.

4. 60 мл линимент, таркибида 20 мл хлороформ ва 40 мл белена ёғи, жароҳатланган бўғимга суртиш учун.

Rp. Cloroformii 20,0	Rp. Cloroformii 20,0
Olei Hyoscyami 40,0	Olei Hyoscyami 40,0
D.S. Сиртга суртиш учун.	M.f. Linimentum
	D.S. Сиртга суртиш учун.

Rp. Cloroformii 20,0	Rp. Linimentum Cloroformii 20,0
Olei Hyoscyami 40,0	Olei Hyoscyami 40,0
M.f. Unguentum	D.S. Сиртга суртиш учун.
D.S. Сиртга суртиш учун.	

5. Таркибида 20% сульфацил натрий бўлган, ланолин ва вазелинда (1:9) тайёрланган 5,0 кўз малхами.

Rp. Sulfacylii natrii 1,0	Rp. Sulfacylii natrii 1,0
Lanolini 0,5	Lanolini 2,5
Vaselini ad 5,0	Vaselini ad 5,0
D.S. Кўз малхами.	M.f. Unguentum
	D.S. Кўз малхами.

Rp. Sulfacylii natrii 1,0	Rp. Sulfacylii natrii 1,0
Lanolini 0,5	Lanolini 0,5
Vaselini ad 5,0	Vaselini ad 5,0
M.f. Unguentum	M.f. Unguentum
D.S. Кўз малхами.	D.S. Кўз малхами.

Фармакотерапиядан, танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

1. Психозларни даволаш учун модда.
2. Қусишни даволаш.
3. Шизофренияни даволаш учун модда.
4. Нейролептоаналгезия учун модда.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

Вазифа 7

Жадваллар, чизмалар, кимёвий формулалар, слайдларни кўриш ва таҳлил қилиш/

24 жадвал

Нейролептикларни солиштирма характеристикаси

Дори моддалари	Тинчлантирувчи транквилизатор таъсири	Аллахлаш ва галюцинацияларни йўқотиш	Қусишга қарши таъсири	Аллергияга қарши таъсири
Аминазин	+++	++	++	++
Этаперазин	++++	+++	++++	++
Галоперидол	++++	+++	++++	++
Резерпин	++	+		+

25 жадвал

Транквилизаторларни фармакодинамик хусусиятларини ҳисобга олиб терапевтик эквивалентлигини аниқлаш

Дори	Транк-	Ухлатув	Талваса	Скелет	Гипотер	Харакат	Гипотен
------	--------	---------	---------	--------	---------	---------	---------

моддалари	визитат ор эффект и	чи мод- далар таъсири ни по- тенцир- лаш	чақирув чи за- харлар таъсири ни ка- майтир иш	мушакл арни бушашт ириш	мик эф- фект	ва руҳий реакцияла рни тор- мозлани- ши	зив эффект
Мепротан	+	+	+	+	+	+	+
Хлордиазе- поксид	++	++	++	++		++	
Диазепам	++	++	++	++		++	
Оксилит	+	+					+
Триоксазин	+	+			+		

Вазифа 8

Интерактив вазифаларни «мияга хужум», «айланма стол атрофида», «қора қути» усуллари билан ўтказиш.

V Талабаларнинг машғулоти якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

Талабани машғулоти якунида билим даражасини аниқлаш учун, рецептурадан бажарган вазифасини, фаол сўров, мураккаб бажарилган (фармакодинамика ва фармакотерапия, вазиятли, интерактив вазифаларни), 1-8 вазифаларни бажарилиши ва текширув саволлар бўйича оғзаки сўров ўтказилади.

Текширув саволлар - 1,2,3 даражали.

1. Нейролептикларни таснифи (1).
2. Фенотиазин унумларини таъсири (2).
3. Антипсихотик ва седатив таъсир қилиш механизми (3).
4. Тиоксантен унумлари ва уларнинг таъсири (2).
5. Бутирофенон унумлари ва уларнинг таъсирлари (2).
6. Нейролептикларни ноҳуя таъсири (2).
7. Нейролептоаналгезияни ахамияти (2).
8. Дибензодиазепин унумлари ва уларнинг таъсирлари (2).

VI Хулоса. Амалий машғулотида мақсад ва вазифаларни бажарилиши ва талабаларни мавзу бўйича ўзлаштириши яқунланади.

Машғулоти моддий таъминланиши: дори моддалар тўплами - *Имизин, амитриптилин, ниламид, трансамин, литий карбанат.*

Мавзу бўйича формулалар, расмлар, жадваллар ва слайдлар, диапроектор.

Амалий машғулоти 23

Мавзу: Антидепрессантлар. Литий тузлари.

Соат сони - 2.

I Мақсад: Антидепрессантлар ва литий тузларини фармакологик хусусиятларини ўзлаштириш. Мавзу бўйича моддалар тўплами, чизмалар, жадваллар, кимёвий формулалар билан танишиш ва таҳлил қилиш.

II Вазифалар:

1. Антидепрессантларни таснифи, фармакодинамика, фармакокинетикасини, педиатрияда уларнинг мохиятини билиш.
2. Фармакодинамика, фармакотерапиядан вазифаларни бажариш.
3. Амалиётда айниқса педиатрияда кенг қўлланиладиган моддаларга рецептларни ёзишни билиш.
4. Вазиятли, интерактив вазифаларни бажариш.
5. Мавзу бўйича хулоса қилишни билиш.

III Амалий машғулотда қўриладиган саволлар:

Антидепрессантлар ва литий тузларини фармакологик хусусиятлари, қўлланилиши, бир биридан фарқи ва номуна таъсирлари.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар.

1. Антидепрессантлар. Таснифланиши. Моноаминларни потенцирловчи моддаларни таъсири.
2. Моноаминооксидаза ингибиторларини хусусиятлари, таъсир қилиш механизми ва номуна асоратлари.
3. Литий тузлари. Таъсир қилиш механизми. Қўлланилиши ва номуна асоратлари.

Машғулот режаси.

I Рецепттурадан вазифани текшириш.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

1. Фаол сўров.
2. Фармакодинамикадан вазифа.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

1. Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.
2. Вазиятли вазифаларни таҳлил қилиш.
3. Фармакотерапиядан вазифа танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Жадваллар, чизмалар, моддаларни кимёвий формулалари, слайдларни кўриш ва муҳофаза қилиш.
2. Интерактив вазифаларни бажариш.

V Талабаларнинг машғулот якунидаги билим даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машғулот режасини амалга ошириш.

I Рецепттурадан берилган вазифани текшириш.

Вазифа 1

Рецептларни мустақил ёзиш ва қўлланилишини кўрсатиш.

1. Имизин таблеткада.
2. Ниаламид драже.
3. Литий карбонат таблеткада.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

Вазифа 2

Фаол сўров. Мустақил тайёрланиш учун саволлар асосида.

Вазифа 3

Фармакодинамикадан келтирилган саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисиани танлаш.

1. Антидепрессантларга киради: а) трифтазин, этаперазин, ниаламид; б) трансамин, имизин, амитриптилин; в) ниаламид, имизин, ибупрофен; г) морфин, аминазин, амизид; д) промедол, клозапин, резерпин.
2. Моноаминлар таъсирини потенцирловчи антидепрессантлар: а) амизин, амитриптилин; б) аминазин, трифтазин; в) трансамин, ниаламид; г) галоперидол, дроперидол; д) ҳамма жавоблар тўғри.
3. Антидепрессантларга киради: а) имизин; б) резерпин; в) ниаламид; г) трансамин; д) амитриптилин.
4. Имизинни хусусиятлари: а) М-холинолитик; б) гистаминга қарши; в) ухла-тувчи; г) лейкозга қарши; д) гипотермик; е) гипертензив; ж) ганглиобло-каторлик; з) адреномиметик; и) анальгетик; к) анестетиклар.
5. Амитриптилинга хос хусусиятлар: а) тинчлантирувчи; б) қусишга қарши; в) гипотермик; г) гипертензив; д) анальгетик.
6. Антидепрессив таъсир механизми: а) норадренергик ва серотонинергик таъсирни кучайиши; б) D₂ дофаминорецепторларни фалажлаш М-холино-рецепторларни фалажлаш; г) морфинга ўхшаш таъсир; д) гистаминга ўхшаш таъсир.
7. Моноаминооксидаза ингибиторлари: а) имизин, амитриптилин; б) ниаламид, трансамин; в) аминазин, трифтазин; г) азафен, амизол; д) пиразидол, резерпин.
8. МАО ингибиторларининг нокуя таъсирлари: а) токсик гепатит, ортостатик коллапс; б) эйфория, дерматит; в) кўнгил айнаш, гипертензия; г) токсик нефрит, агранулоцитоз.
9. Литий карбонатни қўлланилиши: а) мания; б) титрок; в) невроз; г) кўнгил айнаш.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

Вазифа 4

Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.

Ҳар бир талаба дори моддаларни қўлига олиб, қайси касалликда, айниқса педиатрияда қўлланилишини аниқлаш.

Вазифа 5

Вазиятли вазифаларни бажариш.

Вазифа 6

Фармакотерапиядан танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

1. Субдепрессия ҳолатда.
2. Маниакал-депрессив психозда.
3. Депрессияда.
4. Манияни даволашда.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

Вазифа 7

Жадваллар, чизмалар, кимёвий формулалар, слайдларни кўриш ва таҳлил қилиш.

Вазифа 8

Интерактив вазифаларни «мияга ҳужум», «айланма стол атрофида», «қора қути» усуллари билан ўтказиш.

V Талабаларнинг машғулоти якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

Талабани машғулоти якунида билим даражасини аниқлаш учун, рецептурадан бажарган вазифасини, фаол сўров, мустақил бажарилган (фармакодинамика ва фармакотерапия, вазиятли, интерактив вазифаларни), 1-8 вазифаларни бажарилиши ва текширув саволлар бўйича оғзаки сўров ўтказилади.

Текширув саволлар - 1,2,3 даражали.

1. Антидепрессантлар, уларни таснифланиши (2).
2. Моноаминларни потенцирловчи антидепрессантларни таъсир механизми (3).
3. Моноаминооксидаза ферментини фалажловчи антидепрессантларни таъсир механизми (3).
4. Моноаминлар таъсирини потенцирловчи антидепрессантларни фармакологик таъсири (2).
5. Моноаминооксидаза ферментини ингибирловчи антидепрессантларни фармакологик таъсирлари (3).
6. Антидепрессантларни ножуя таъсири (3).
7. Литий тузларини таъсир механизми, қўлланилиши (2).
8. Литий тузларини фармакокинетикаси (2).
9. Литий тузлари ножўя таъсири ва ёрдам (2).

VI Хулоса. Амалий машғулотида мақсад ва вазифаларни бажарилиши ва талабаларни мавзу бўйича ўзлаштириши яқунланади.

Машғулоти моддий таъминланиши: дори моддалар тўплами - *Имизин, амитриптилин, ниаламид, трансамин, лития карбонат.*

Мавзу бўйича формулалар, расмлар, жадваллар ва слайдлар, диапроектор.

Амалий машғулоти 24

Мавзу: Транквилизаторлар. Седатив моддалар.

Соат сони - 2.

I Мақсад: Транквилизаторлар ва седатив воситаларнинг фармакологик хусусиятларини ўзлаштириш. Мавзу бўйича моддалар тўплами, чизмалар, жадваллар, кимёвий формулалар билан танишиш ва таҳлил қилиш.

II Вазифалар:

1. Транквилизаторлар ва седатив моддаларнинг таснифи, фармакодинамика, фармакокинетикасини, педиатрияда уларнинг моҳиятини билиш.
2. Фармакодинамика, фармакотерапиядан вазифаларни бажариш.
3. Амалиётда айниқса педиатрияда кенг қўлланиладиган моддаларга рецептларни ёзишни билиш.
4. Вазиятли, интерактив вазифаларни бажариш.
5. Мавзу бўйича хулоса қилишни билиш.

III Амалий машғулотда қўриладиган саволлар:

Транквилизаторлар ва седатив моддаларнинг фармакологик хусусиятлари, қўлланилиши, бир биридан фарқи, нозуя таъсири.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар.

1. Транквилизаторлар. Таснифи, таъсир механизми. Қўлланилиши.
2. Седатив моддалар. Таъсир механизми. Қўлланилиши.
3. Транквилизатор ва седатив моддаларнинг фарқи.

Машғулот режаси.

I Рецептурадан вазифани текшириш.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

1. Фаол сўров.
2. Фармакодинамикадан вазифа.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

1. Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.
2. Вазиятли вазифаларни таҳлил қилиш.
3. Фармакотерапиядан вазифа, танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Жадваллар, чизмалар, моддаларни кимёвий формулалари, слайдларни кўриш ва муҳокома қилиш.
2. Интерактив вазифаларни бажариш.

V Талабаларнинг машғулот якунидаги билим даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машғулот режасини амалга ошириш.

I Рецептурадан берилган вазифани текшириш.

Вазифа 1

Рецептларни мустақил ёзиш ва қўлланилишини кўрсатиш.

1. Сибазон ампуласи.
2. Феназепам таблеткаси.
3. Нозепам таблеткада.
4. Мазепам таблеткада.

5. Тетразепам таблеткаси.
6. Натрий бромид эритмаси флаконда.
7. Валериана настойкаси.
8. Пустырник настойкаси.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

Вазифа 2

Фаол сўров. Мустақил тайёрланиш учун саволлар асосида.

Вазифа 3

Фармакодинамикадан келтирилган саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисиани танлаш.

1. Транквилизаторларни аниқлаш: а) седуксен, мемотран; б) натрий бромид; в) феназепам; г) литий карбонат; д) промедол; е) тазепам.
2. Транквилизаторларни таъсир механизми: а) бензодиазепин рецепторларга таъсир қилиб ГАМК рецепторларни қўзғатади; в) мия тўқимасида норадреналин миқдорини оширади.
3. Транквилизаторларни қўлланиши: а) психоневроз; б) мания; в) невроз; г) гипертермия.
4. Кундузги транквилизаторлар: а) мазепам; б) тетразепам; в) седуксен; г) амизил; д) тазепам.
5. Қайси моддалар скелет мушакларини бўшаштиради ва тутқанокда қўлланилади: а) седуксен; б) литий карбонат; в) натрий бромид; г) аминазин.
6. Седатив модда: а) натрий бромид; б) сибазон; в) хлордiazепоксид; г) литий карбонат; д) аминазин; е) валериана моддалар.
7. Седатив моддаларни қўлланиши: а) неврастения; б) психоз; в) мания; г) талваса.
8. Седатив моддаларни таъсир механизми: а) бош мия пўстлоғида тормозланиш жараёнларини кучайтиради; б) лимбик системани кучайтиради; в) мия пўстлоғини қўзғатади; г) орқа миёга таъсир қилади.
9. Комбинирланган седатив модда: а) натрий бромид; б) калий бромид; в) экстракт валерианы; г) корвалол; д) пустырник настойкаси.
10. Қайси моддани узоқ вақт қўллаганда «бромизм» келиб чиқади: а) пустырник настойкаси; б) валериана экстракти; в) калий бромид; г) бромизовал.
11. Материал кумуляция қайси модда қўлланилганда кузатилади: а) валериана; б) пустырник; в) натрий бромид; г) кавалол; д) валокордин.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

Вазифа 4

Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.

Ҳар бир талаба дори моддаларни қўлига олиб, қайси касалликда, айниқса педиатрияда қўлланилишини аниқлаш.

Вазифа 5

Вазиятли вазифаларни бажариш.

Вазифа 6

Фармакотерапиядан, танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

1. Психоневрозда қўлланилувчи модда.

2. Кундузги транквилизатор.
3. Неврозда қўлланилувчи модда.
4. Юрак неврозида қўлланилувчи модда

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

Вазифа 7

Жадваллар, чизмалар, кимёвий формулалар, слайдларни кўриш ва таҳлил қилиш.

Вазифа 8

Интерактив вазифаларни «**мияга ҳужум**», «**қора қути**», «**қорчалар**» усуллари билан ўтказиш.

V Талабаларнинг машғулоти якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

Талабани машғулоти якунида билим даражасини аниқлаш учун, рецептурадан бажарган вазифасини, фаол сўров, мураккаб бажарилган (фармакодинамика ва фармакотерапия, вазиятли, интерактив вазифаларни), 1-8 вазифаларни бажарилиши ва текширув саволлар бўйича оғзаки сўров ўтказилади.

Текширув саволлар - 1,2,3 даражали.

1. Транквилизаторлар, таъсир механизми (3).
2. Транквилизаторларни қўлланилиши (2).
3. Хлордиазепоксиднинг таъсифи (3).
4. Седуксенни фармакологияси (3).
5. Кундузги транквилизаторлар (2).
6. Амизил таъсир механизми (3).
7. Седатив моддаларни таъсир механизми (3).
8. Седатив моддаларни қўлланилиши (2).
9. Бромизм ва уни даволаш (2).

VI Хулоса. Амалий машғулотида мақсад ва вазифаларни бажарилиши ва талабаларни мавзу бўйича ўзлаштириши якунланади.

Машғулоти моддий таъминланиши: дори моддалар тўплами - *сибазон, нозепам, мазепам, натрия бромид, феназепам, тетразепам, валериана настойкаси, пустырник настойкаси.*

Мавзу бўйича формулалар, расмлар, жадваллар, слайдлар, диапроектор.

Амалий машғулоти 25

Мавзу: Психостимуляторлар, аналептиклар, ноотроп ва ГАМК-ергик моддалар. Соат сони - 2.

I Мақсад: Психостимуляторлар, аналептиклар, ГАМК-ергик моддаларни фармакологик хусусиятларини ўзлаштириш. Мавзу бўйича моддалар тўплами, чизмалар, жадваллар, кимёвий формулалар билан танишиш ва таҳлил қилиш.

II Вазифалар:

1. Психостимуляторлар, аналептиклар, ГАМК-ергик моддаларни таснифи, фармакодинамика, фармакокинетикасини, педиатрияда уларнинг мохиятини билиш.
2. Фармакодинамика, фармакотерапиядан вазифаларни бажариш.
3. Амалиётда айниқса педиатрияда кенг қўлланиладиган моддаларга рецептларни ёзишни билиш.
4. Вазиятли, интерактив вазифаларни бажариш.
5. Мавзу бўйича хулоса қилишни билиш.

III Амалий машғулотда қўриладиган саволлар:

Психостимуляторлар, аналептиклар, ГАМК-эргик воситаларнинг фармакологик хусусиятлари, қўлланилиши, бир биридан фарқи, нозуя таъсирлари.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар.

1. Фенилалкиламин унумлари, таъсир механизми. Қўлланилиши.
2. Пиперидин унумлари, фармакологик хусусиятлари, қўлланилиши ва нозуя таъсирлари.
3. Ксантин унумлари, фармакологик хусусиятлари, қўлланилиши.
4. Ноотроп ва ГАМК-ергик моддалар, таъсир механизми, қўлланилиши, нозуя таъсирлари.
5. Аналептиклар. Таснифланиши. Таъсир механизми қўлланилиши ва нозуя таъсирлари.
6. Аралаш таъсир механизмли моддалар, қўлланилиши (кордиамин, камфора).
7. Асосан орқа миёга таъсир этувчи аналептиклар.

Машғулот режаси.

I Рецептурадан вазифани текшириш.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

1. Фаол сўров.
2. Фармакодинамикадан вазифа.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

1. Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.
2. Вазиятли вазифаларни таҳлил қилиш.
3. Фармакотерапиядан вазифа, танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Жадваллар, чизмалар, моддаларни кимёвий формулалари, слайдларни кўриш ва муҳокома қилиш.
2. Интерактив вазифаларни бажариш.

V Талабаларнинг машғулот якунидаги билим даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машғулот режасини амалга ошириш.

I Рецептурадан берилган вазифани текшириш.

Вазифа 1

Рецептларни мустақил ёзиш ва қўлланилишини кўрсатиш.

1. Фенамин таблеткаси.
2. Меририл таблеткада.

3. Сиднокарб таблеткаси.
4. Кофеин бензоат натрий эритмаси.
5. Пирацетам эритмаси.
6. Аминалон таблеткаси.
7. Бемегрид инъекция учун.
8. Кордиамин, томчиси.
9. Камфора инъекция учун.
10. Сульфокамфокаин.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

Вазифа 2

Фаол сўров. Мустақил тайёрланиш учун саволлар асосида.

Вазифа 3

Фармакодинамикадан, келтирилган саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисида танлаш.

1. Психостимуляторлар: а) меридил, кофеин. б) ниаламид, морфин; в) аминазин, галоперидол; г) бемегрид, диазепам; д) стрихнин, бутадиион.
2. Психостимуляторларга кирмайдиган моддалар: а) морфин; б) кофеин; в) амизил; г) сиднокарб; д) фенамин.
3. Психостимулятор оширади: а) жисмоний куч-қуват; б) уйқучанлик; в) бўшашлик; г) чидамлилиқ.
4. Психостимуляторлар узок вақт қўлланилганда: а) ўрганиб қолиш; б) эйфория; в) кумуляция; г) синергизм; д) тахифилаксия.
5. Аналептик хусусиятга эга булган психостимуляторлар: а) меридил; б) сиднокарб; в) кофеин; г) пиридрол; в) фенамин.
6. Психостимуляторлар таъсири: а) ўйқучанлик, гипотензия; б) ўйқусизлик, тахикардия; в) гипотония, бўшашишлиқ; г) эйфория, брадикардия; д) чарчоқлик, миоэ.
7. Кофеинга ривожланади: а) кумуляция; б) тензм; в) тахифилаксия; г) толерантлик; д) синергизм.
8. Ноотроп моддалар: а) фенибут, аминалон; б) аминазин, галоперидол; в) меридил, бемегрид; г) сиднокарб, этимизол; д) кофеин, стрихнин.
9. Ноотроп моддаларни қўлланилиши: а) инсультдан сўнг, атеросклероз; б) гипертония, ревматизм; в) психоз, невроз; г) мигрен, эйфория; д) лейкоз, мания.
10. Ноотроп моддалар оширади: а) аклий иш, эслаш қобилият; б) аналгезия, гипотермия; в) гипотензия, чидамлилиқ; г) регенерация, кумуляция; д) йўтал.
11. ГАМК-ергик моддалар: а) аминазин; б) галоперидол; в) фенибут; г) амизил; д) диазепам.
12. Анксиолитик таъсирга эга бўлган ноотроп моддалар: а) аминалон; б) пирацетам; в) натрий оксипутират; г) фенибут; д) энцефабол.
13. Аналептиклар: а) аминазин, фенамин; б) стрихнин, галоперидол; в) диазепам, сибазон; г) амизил, мепротан; д) кордиамин, этимизол.
14. Аналептикларга кирмайдиган моддалар: а) кордиамин; б) камфора; в) меридил; г) бемегрид; д) сульфакромфокаин.

15. Нафас марказини қўзғатувчилар: а) этимизол, коразол, бемегрид; б) стрихнин, диазепам, амизил; в) камфора, клозапин, аналин; г) кордиамин, дуплекс, мазепам; д) хамма жавоблар тўғри.
16. Орқа мияга танлаб таъсир этувчи моддалар: а) бемегрид, кордиамин; б) камфора, сульфокамфокаин; в) стрихнин, дуплекс; г) кордиамин, аминазин; д) амизил, диазепам.
17. Аналептикларни қўлланилиши: а) наркоздан кейин чақалоқларда кузатиладиган асфиксия; б) гипертензия, ревматизм; в) уйқусизлик, тахикардия; г) қалтираш, тетания; д) брадиаритмия, инсульт.
18. Стрихнин нитратни қўлланилиши: а) эшитиш қобилиятини, курув қобилиятини функционал сусайиши; б) артрит, миозит; в) подагра, ревматизм; г) простатит; д) психоз, невроз.
19. Аналептикларни ножуя таъсирлари: а) кумуляция; б) эйфория; в) лейкопения; г) титрок.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

Вазифа 4

Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.

Ҳар бир талаба дори моддаларни қўлига олиб, қайси касалликда, айниқса педиатрияда қўлланилишини аниқлаш.

Вазифа 5

Вазиятли вазифаларни бажариш.

Вазифа 6

Фармакотерапиядан танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

1. Психостимуляторга рецепт ёзинг.
2. Наркоманияда.
3. Иш қобилият сусайишида қўлланиладиган модда.
4. Гипотонияда.
5. Инсультдан кейин.
6. Атеросклерозда.
7. Чақалоқ асфиксиясида.
8. Гипотензияда.
9. Нафас етишмовчилигида.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

Вазифа 7

Жадваллар, чизмалар, кимёвий формулалар, слайдларни кўриш ва таҳлил қилиш.

26 жадвал

Кофеин моддасини фармакологик хусусиятларини ҳисобга олиб қўллашга кўрсатмани асослаб бериш

Кофеин таъсири жойлашуви	Организмни функционал фаоллигини ўзгариши	Қўллашга курсатма
Мия пўстлоғи	Қабул қилиш енгиллашади, фикирлаш тезлашади ва енгиллашади.	
Узунчоқ мия	Нафас маркази қўзғалувчанлиги	

	ортиши нафас тезлиги ва хажми ортиши; Қон томир ҳаракатлантирувчи марказ фаолияти сусайганда қон босими кўтарилади.	
Орқа мия	Қўзғалишни рефлектор ўтказувчанлиги енгиллашади.	
Миокард	Юрак фаолиятини тезлашиши ва кучайиши.	
Силлиқ мушаклар	Қон томирларни кенгайиши.	
Скелет мушаклари	Иш қобилияти ортади ва чарчаш йўқолади	
Овқат хазм қилиш тизими	Секреция ва ҳаракати ортади	
Моддалар алмашинуви	Фосфодиэстераза тормозланади, гликогенолиз ва липолиз фаоллашади	
Дорига қарамлик	Ўрганиб қолиш ва қарамлик бўлиши мумкин	

Вазифа 8

Интерактив вазифаларни «муаммони ҳал қилиш», «қора қути», «асалари уяси» усуллари билан ўтказиш.

V Талабаларнинг машғулот якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

Талабани машғулот якунида билим даражасини аниқлаш учун, рецептурадан бажарган вазифасини, фаол сўров, мустақил бажарилган (фармакодинамика ва фармакотерапия, вазиятли, интерактив вазифаларни), 1-8 вазифаларни бажарилиши ва текширув саволлар бўйича оғзаки сўров ўтказилади.

Текширув саволлар - 1,2,3 даражали.

1. Психостимуляторлар, таъсир механизми (2).
2. Фенаминни фармакологияси (3).
3. Кофеинни фармакологияси (3).
4. Кофеин ва фенаминни психостимулловчи таъсир механизмида фарқи (2)
5. Психостимуляторларни ножуя таъсири (2).
6. Ноотроп ва ГАМК ергик моддалар, таъсир механизми (3).
7. Ноотроп моддаларни қўлланилиши ва ножуя таъсирлари (2).
8. Аналептиклар, таъсир механизми (3).
9. Аналептикларни қўлланилиши, ножўя таъсирлари (2).

VI Хулоса. Амалий машғулотда мақсад ва вазифаларни бажарилиши ва талабаларни мавзу бўйича ўзлаштириши яқунланади.

Машғулотни моддий таъминланиши: дори моддалар тўплами - *фенамин, пиридол, сиднокарб, ноотропил, аминалон, фенибут, кофеин бензоат, бемегрид, этимизол, кордиамин, камфора, сульфокамфокаин, стрихнин нитрат.*

Мавзу бўйича формулалар, расмлар, жадваллар, слайдлар, диапроектор.

Машғулот 26

Марказий нерв системасига таъсир этувчи моддалар бўйича оралик назорат. Тест саволлар бўйича утказилади.

III БЎЛИМ. ИЖРОЧИ АЪЗОЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ МОДДАЛАР

Амалий машғулот 27

Мавзу: Нафас аъзоларининг фаолиятига таъсир этувчи моддалар.

Соат сони - 2.

I Мақсад: Нафас аъзоларига таъсир этувчи моддаларни фармакологик хусусиятларини ўзлаштириш. Мавзу бўйича моддалар тўплами, чизмалар, жадваллар, кимёвий формулалар билан танишиш ва таҳлил қилиш.

II Вазифалар:

1. Нафас аъзолари фаолиятига таъсир этувчи моддаларни таснифи, фармакодинамика, фармакокинетикасини, педиатрияда уларнинг моҳиятини билиш.
2. Фармакодинамика, фармакотерапиядан вазифаларни бажариш.
3. Амалиётда айниқса педиатрияда кенг қўлланиладиган моддаларга рецептларни ёзишни билиш.
4. Вазиятли, интерактив вазифаларни бажариш.
5. Мавзу бўйича хулоса қилишни билиш.

III Амалий машғулотда кўриладиган саволлар:

Сурфактант синтезини оширувчи моддаларни, нафас аналептикларни, йўталга қарши моддаларни, балғам кўчирувчи, бронхларни кенгайтирувчи, ўпка шишида қўлланиладиган моддаларни фармакологик хусусиятлари.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар.

1. Сурфактант синтезини стимулловчи моддалар. Сурфактантни ахамияти, унинг синтези ва миқдорини аниқлаш. Сурфактант синтезини стимулловчи моддаларни таъсир қилиш механизми. Қўлланилиши.
2. Нафас стимуляторлари. Нафас олишни қўзғатувчи моддалар, асосий таъсир механизмлари. Аналептик гуруҳидаги моддалар ва Н - холинотетикларни солиштира тавсифи. Дори моддаларни организмга юбориш йўллари ва қўлланилиши.
3. Йўталга қарши моддалар. Таъсир қилиш механизмлари. Наркотик турдаги ва нонаркотик турдаги моддалар таъсири. Йўталга қарши моддаларни қўлланилиши. Марказий нерв системасига таъсир этувчи моддаларга бўлган тобалик ва уни олдини олиш.
4. Балғам кўчирувчи моддалар, таъсир қилиш механизмлари, рефлектор ва бевосита таъсири. Қабул қилиш йўли ва қўлланилиши. Балғам кўчирувчи ва йўталга қарши моддаларнинг биргаликда қўлланилиши.
5. Бронхларни кенгайтирувчи моддалар. Адреномиметик, М - холиноблокатор, миотроп, спазмолитикларни бронхларни кенгайтирувчи таъсир қилиш механизмларнинг фарқи. Танлаб β_2 - адренорецепторларга таъсир қилувчи моддалар. Бронхолитикларни

қўлланилиши, организмга юбориш йўллари ва нозуя таъсирлари.
Глюкокортикоидларни бронхиал астмада қўлланилиши.

Машғулот режаси.

I Рецептурадан вазифани текшириш.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

1. Фаол сўров.
2. Фармакодинамикадан вазифа.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

1. Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.
2. Вазиятли вазифаларни тахлил қилиш.
3. Фармакотерапиядан вазифа танланган моддаларга рецептлар ёзиш.
4. Рефератив маълумотларни эшитиш ва муҳокама қилиш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Жадваллар, чизмалар, моддаларни кимёвий формулалари, слайдларни кўриш ва муҳокама қилиш.
2. Интерактив вазифаларни бажариш.

V Талабаларнинг машғулот якунидаги билим даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машғулот режасини амалга ошириш.

I Рецептурадан берилган вазифани текшириш.

Вазифа 1

Рецептларни мустақил ёзиш ва қўлланилишини кўрсатиш.

1. Инъекция учун этимизол эритмаси.
2. Инъекция учун цититон.
3. Дионин таблеткада.
4. Либексин таблеткада.
5. Бромгексин таблеткада, 3-4 ёшли болаларга.
6. Алтей илдизини дамламаси.
7. Мукалтин таблеткада.
8. Эуфилин таблеткада.
9. Инъекция учун эуфилин.
10. Инъекция учун сульфокамфокаин эритмаси.
11. Ингаляция учун Беротек.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

Вазифа 2

Фаол сўров. Мустақил тайёрланиш учун саволлар асосида.

Вазифа 3

Фармакодинамикадан келтирилган саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисида танлаш.

1. Сурфактант синтезини оширувчи моддалар: а) юрак фаолиятини оширади; б) альвеолаларни ростлайди; в) диурезни оширади.

2. Сурфактант синтезини оширувчи моддалардан қайси бири янги туғилган чақалоқларда қўлланилади: а) глюкокортикоидлар; б) этимизол; в) бромгексин.
3. Нафас олишни қўзғатувчи моддалар: а) кордиамин; б) бемеград; в) кофеин бензоат натрия; г) этимизол; д) карбоген; е) цититон; з) либексин.
4. Рефлектор таъсир этувчи аналептиклар: а) кордиамин; б) камфора; в) этимизол; г) бемеград; д) лобелин; е) цититон.
5. Йўталга қарши қўлланиладиган моддалар: а) кодеин фосфат; б) этилморфина гидрохлорид; в) либексин; г) кордиамин; д) цититон; е) этимизол.
6. Наркотик турдаги йўталга қарши моддалар: а) либексин; б) кодеин фосфат; в) этилморфин; г) глауцин; д) тусупрекс.
7. Балғам кўчирувчи моддалар: а) термопсис ўти дамламаси; б) калий йодид; в) трипсин; г) изадрин; д) цититон.
8. Болаларда кенг қўлланиладиган балғам кўчирувчи модда: а) термопсис ўти б) алтей илдизи; в) калий йодид.
9. Бронхларни кенгайтирувчи моддалар: а) изадрин; б) адреналин; в) эфед-рин; г) атропин; д) эуфиллин; е) трипсин; з) кордиамин.
10. Ўпка шишида қўлланиладиган моддалар: а) мочевина; б) манит; в) строфантин; г) бензогексоний; д) гироний; е) либексин; з) беротек.
11. Сальбутамолни таъсир механизми: а) β_2 - адренорецепторларни фалажлайди; б) β_2 - адренорецепторларни қўзғатади.
12. Аллергияга қарши моддаларни бронхларни кенгайтирувчи сифатида қўлланиладиганлари: а) кромолин-натрий; б) цититон; в) атропин; г) адреналин; д) изадрин.
13. Ўпка шишида қўлланиладиган тез таъсир этувчи диуретиклар: а) фуросемид; б) этакрин кислотаси; в) манит; г) промеран; д) диакарб.
14. Ўпка шишида қўлланиладиган моддалар: а) гипотензив моддалар; б) диуретиклар; в) оксигенотерапия; г) ганглиоблокаторлар; д) юрак гликозидлари; е) М-холиноблокаторлар; з) глюкокортикоидлар.
15. Антифомсиланни таъсир механизми: а) диурезни ошириши; б) кўпик ўчирувчи таъсир.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

Вазифа 4

Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.

Ҳар бир талаба дори моддаларни қўлига олиб, қайси касалликда, айниқса педиатрияда қўлланилишини аниқлаш.

Вазифа 5

Вазиятли вазифаларни бажариш.

Вазифа 6

Фармакотерапиядан танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

1. Нафасни қўзғатувчи модда.
2. Йўталга қарши.

3. Бронхларни кенгайтирувчи.
4. Болаларда балғам кўчирувчи.
5. Ўпка шишида қўлланиладиган модда.
6. Билвосита нафас марказини кўзғатувчи модда.
7. Нафас марказига резорбтив таъсир этувчи модда.
8. Бронхиал астма хуружида қўлланиладиган адреномиметик.
9. Ўпка шишида қўлланиладиган кўпик ўчирувчи модда.

Вазифа 7

«Сурфактантни педиатрияда моҳияти» мавзуси бўйича рефератив маълумотларни эшитиш ва таҳлиллаш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

Вазифа 8

Жадваллар, чизмалар, кимёвий формулалар, слайдларни кўриш ва таҳлил қилиш.

27 жадвал

Болаларда бронхиал астмани интал билан даволаш фойдалиги

Касаллик кечиши	Касаллик оғирлиги				фойдалиги		
Шакллари	енгил	ўртача	оғир	хаммаси	яхши натижа	қониқарли	фойдаси йўқ
Аллергик	7	30	16	53	48	4	1
Аралаш	-	12	6	18	3	11	4

28 жадвал

Сурункали астматик бронхит билан оғирган беморларда астмопент ва салбутамол ингальяциясидан сўнг нафас чиқарадиган ҳаво ҳажмини ўзгариши.

Дори моддаси	Ҳаво ҳажми мл да					
	Бошланғич	Ингальяциядан сўнг				
		15 дақиқ	1 соат	2 соат	4 соат	8 соат
Астмопент	1500	1750	1750	1625	1500	1500
Салбутамол	1500	1930	2000	1960	1920	1700

Вазифа 9

Интерактив вазифаларни «айланма стол атрофида», «қора қути», «муаммони ҳал қилиш» усуллари билан ўтказиш.

V Талабаларнинг машғулоти якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

Талабани машғулоти якунида билим даражасини аниқлаш учун, рецептурадан бажарган вазифасини, фаол сўров, мустақил бажарилган (фармакодинамика ва фармакотерапия, вазиятли, интерактив вазифаларни), 1-9 вазифаларни бажарилиши ва текширув саволлар бўйича оғзаки сўров ўтказилади.

Текширув саволлар - 1,2,3 даражали.

1. Сурфактантни ҳосил бўлишини оширувчи моддалар (1).
2. Глюкокортикоидларни таъсир механизми (2).
3. Сурфактант ҳосил бўлишини оширувчи моддалардан энг таъсирчанлигини танлаш. (3).
4. Нафас кўзгатувчи моддаларни таснифи. (1).
5. Бевосита нафас аналептикларни таъсир механизми (2).
6. Билвосита нафас аналептикларни таъсир механизми (2).
7. Аралаш таъсир этувчи нафас аналептикларни таъсир механизми (2).
8. Йўталга қарши моддаларни таснифи (1).
9. Наркотик турдаги йўталга қарши моддалар (1).
10. Нонаркотик турдаги йўталга қарши моддалар (1).
11. Йўталга қарши моддаларни таъсир механизми (2).
12. Йўталга қарши моддаларни педиатрияда ахамияти (3).
13. Балғам кўчирувчи моддаларни таснифи (1).
14. Бевосита балғам кўчирувчи моддалар (1).
15. Билвосита балғам кўчирувчи моддалар (1).
16. Йўталга қарши ва балғам кучирувчи моддаларни биргаликда қўлланилиши (3).
17. Бронхоспазмда қўлланиладиган моддалар (1).
18. Бронхоспазмда вегетатив инервацияга таъсир этувчи моддалар (2).
19. Миотроп таъсир этувчи моддалар (2).
20. Бронхиал астмани олдини олиш ва хуружини бартараф қилиш учун қўлланиладиган моддалар (3).
21. Ўпка шишида қўлланиладиган моддалар (1).
22. Ўпка шишини даволаш йўллари (2).
23. Ўпка шишида қўлланиладиган кўпик ўчирувчи моддалар таъсир механизми (3).

VI Хулоса. Амалий машғулотда мақсад ва вазифаларни бажарилиши ва талабаларни мавзу бўйича ўзлаштириши якунланади.

Машғулотни моддий таъминланиши: дори моддалар тўплами - *этимизол, бромгексин, эуфиллин, кофеин, бемегрид, лобелин, цититон, кордиамин, камфора, сульфокамфокаин, кодеин, дионин, либексин, глауцин, тусупрекс, ипекакуанна илдизи, термонсис ўти, алтей илдизи, мукалтин, кўкрак эликсир, калия йодид, натрия йодид, натрия бикарбанат, бромгексин, атропина сульфат, платифилин, метацин, адреналина гидрохлорид, эфедрина гидрохлорид, изадрин, сальбутамол, кромолин натрий, фенотерол, гигроний, бензогексоний, пентамин, фентоламин, фурасемид, мочевина, маннит, этанол, антифомсилан.*

Мавзу бўйича формулалар, расмлар, жадваллар, слайдлар, диапроектор.

Амалий машғулот 28

Мавзу: Кардиотоник моддалар.

Соат сони - 2.

I Мақсад: Юрак етишмовчилигида қўлланиладиган кардиотоник моддаларнинг фармакологик хусусиятларини ўзлаштириш. Мавзу бўйича моддалар тўплами, чизмалар, жадваллар, кимёвий формулалар билан танишиш ва таҳлил қилиш.

II Вазифалар:

1. Юрак гликозидларини таснифи, фармакодинамикасини, фармакокинети-касини, педиатрияда уларнинг моҳиятини билиш.
2. Фармакодинамика, фармакотерапиядан вазифаларни бажариш.
3. Амалиётда айниқса педиатрияда кенг қўлланиладиган моддаларга рецептларни ёзишни билиш.
4. Вазиятли, интерактив вазифаларни бажариш.
5. Мавзу бўйича хулоса қилишни билиш.

III Амалий машғулотда қўриладиган саволлар:

Ногликозид тузилишга эга бўлган кардиотоник моддаларни фармакологик хусусиятлари.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар.

1. Кардиотоник моддаларни таснифи. Таркибида юрак гликозидларни тутувчи ўсимликлар. Юрак гликозидларни ўрганиш тарихи.
2. Юрак гликозидларнинг кимёвий тузилиши.
3. Юрак гликозидларни фармакодинамикаси, кардиал таъсир механизми.
4. Юрак гликозидларни экстракардиал таъсири.
5. Юрак гликозидларни фармакокинетики.
6. Юрак гликозидларни таъсир муддати бўйича таснифланиши.
7. Болалар организмига юрак гликозидларни таъсир қилиш моҳияти.
8. Юрак гликозидларни қўлланилиши.
9. Юрак гликозидларни токсик таъсирларни, улар билан захарланиш, уларни даволаш.
10. Ностероид кардиотоник моддалар. Таъсир механизми. Қўлланилиши.

Машғулот режаси.

I Рецептурадан вазифани текшириш.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

1. Фаол сўров.
2. Фармакодинамикадан вазифа.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

1. Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.
2. Вазиятли вазифаларни таҳлил қилиш.
3. Фармакотерапиядан вазифа танланган моддаларга рецептлар ёзиш.
4. Рефератив маълумотларни эшитиш ва муҳокама қилиш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Жадваллар, чизмалар, моддаларни кимёвий формулалари, слайдларни кўриш ва муҳокама қилиш.
2. Интерактив вазифаларни бажариш.

V Талабаларнинг машғулот якунидаги билим даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машғулот режасини амалга ошириш.

I Рецептурадан берилган вазифани текшириш.

Вазифа 1

Рецептларни мустақил ёзиш ва қўлланилишини кўрсатиш.

1. Дигитоксин таблеткаси.
2. Дигитоксинни ректал шамчаси.
3. Дигоксин таблеткаси.
4. Дигоксин эритмаси.
5. Целанид таблеткаси.
6. Целанид эритмаси.
7. Строфантин эритмаси.
8. Коргликон эритмаси.
9. Адонизид.
10. Баҳор майсаси ўти дамламаси.
11. Строфантидин ацетат эритмаси.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

Вазифа 2

Фаол сўров. Мустақил тайёрланиш учун саволлар асосида.

Вазифа 3

Фармакодинамикадан, келтирилган саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисини танлаш.

1. Болаларда кўпроқ қўлланиладиган юрак гликозидлари: а) дигоксин; б) дигитоксин; в) целанид; г) баҳор майсасаси ўтидан дамага, д) Строфантин К, е) коргликон.
2. Юрак гликозидлари шифобахш миқдори юборилганда кўриладиган таъсирлар: а) юрак қисқаришини кучини ошиши; б) юрак қисқариши кучини сусайиши; в) юрак ўтказувчан системасида импульсларни ўтишини сусайиши; г) миокарддаги модда алмашинувини нормаллашиши; д) миокардда моддалар алмашинувини кучайиши; е) миокардда моддалар алмашинувини камайиши; ж) миокардни кислородга эҳтиёжини ошиши, з) кислородга эҳтиёжини камайиши; и) юрак автоматизмини ошиши; к) юрак автоматизмини пасайиши.
3. Юрак ва қон томир етишмовчилигида гликозидларни асосий таъсирлари:
а) қоннинг систолик ва минутлик ҳажмини ошиши; б) веноз қон босимини пасайиши; в) веноз қон босимини ошиши; г) тахикардия; д) брадикардия; е) шишларни камайиши; ж) нафас қисилишини камайиши.
4. Строфантин К таъсирига хос бўлган асосий хусусиятлар: а) энтерал юбориш йўли; б) парэнтерал юбориш йўли; в) таъсири тез ривожланади; г) таъсири секин ривожланади; д) кумулятив хусусиятга эга; е) кумулятив хусусияти йўқ; ж) ўткир юрак етишмовчилигида қўлланилади; з) сурункали юрак етишмовчилигида қўлланилади.
5. Дигитоксин таъсирига хос бўлган хусусиятлар: а) жуда фаол модда; б) фаоллиги кам модда, в) ошқозон-ичакда яхши сўрилади; г) ошқозон - ичакдан емон сўрилади; д) таъсири тез ривожланади; е) таъсири секин ривожланади; ж) кумулятив хусусиятга эга; з) кумулятив хусусияти йўқ.
6. Педиатрияда юрак гликозидларини қўлланилишига асосий кўрсатмалар: а) ўткир юрак қон томир етишмовчилиги; б) сурункали юрак қон - томир етишмовчилиги; в) тахикардия; г) суправентрикуляр аритмия; д) юракда ўтказиладиган операцияларда юрак етишмовчилигини олдини олиш учун.
7. Юрак гликозидларининг таъсирида ЭКГ даги ўзгаришлар: а) Р-Q интервалини узайиши; б) Р-Q интервалини қисқариши; в) Q-T ни узайиши; г) Q-T ни қисқариши; д) Т-Р ни узайиши; е) Т-Р ни қисқариши; ж) R ни вольтажини ошиши; з) R ни вольтажини камайиши.

8. Болаларда юрак гликозидлари билан захарланганда қўриладиган асосий белгилар: а) диспепсик ўзгаришлар; б) брадикардия; в) қоринчалар аритмияси; г) синус аритмияси; д) атриовентрикуляр ўтказувчанликни бузилиши.

9. Юрак гликозидлари миқдори ошиб кетганда қўлланиладиган асосий моддалар: а) калий хлориди; б) унитиол; в) этилендиаминтетрауксус кислотасининг динатрийли тузи; г) гемодиализ; д) кальций хлорид; е) камфора.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

Вазифа 4

Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.

Ҳар бир талаба дори моддаларни қўлига олиб, қайси касалликда, айниқса педиатрияда қўлланилишини аниқлаш.

Вазифа 5

Вазиятли вазифаларни бажариш.

Вазифа 6

Фармакотерапиядан, танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

1. Строфант Комбе ўсимлигидан олинадиган қисқа таъсир этувчи юрак гликозиди, юбориш йўли.
2. Ёш болаларда қўлланиладиган, организмдан тез чиқиб кетадиган юрак гликозиди.
3. Қисқа таъсир этувчи строфантинни ярим синтетик моддаси.
4. Қутбланган гликозидлардан ўртача таъсир этувчи модда таблеткада.
5. Қутбланган гликозидлардан ўртача таъсир этувчи моддани эритмаси.

Вазифа 7

«Юрак гликозидларини ёш организмга таъсири» мавзуси бўйича рефератив маълумотларни эшитиш ва таҳлиллаш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

Вазифа 8

Жадваллар, чизмалар, кимёвий формулалар, слайдларни қўриш ва таҳлил қилиш.

29 жадвал

Асосий юрак гликозидларини сўрилиши, элиминацияси, қолдиқ таъсир коэффициенти ва оксиллар билан боғланиши.

Гликозид	Юборилган миқдорни ичакдан сўрилиши миқдорида %	Элиминация квотаси	Қолдиқ таъсир коэффициен- ти	Оксиллар билан боғланиши, %
Строфантин	5	40	60	11,5
Изоланид	14-15	20	80	15

Дигоксин	40-60	20	80	46,2
Ацедоксин	80	10	90	51
Дигитоксин	100	7	93	60

30 жадвал

Юрак гликозидларини юрак қон томир тизимига ва диурезга таъсири

Кўрсаткичлар	Таъсир босқичлари		
	терапевтик	захарланишдан олдинги	захарли
Систола	Кучайиш ва қисқариш	Кучайиш ва узайиш	Кучайиш ва узайиш, юракнинг систолада тўхташи
Уриш ҳажми	Ортиши	Камайиши	Кучли камайиши
Қўзғалувчанлик	Камайиши	Ортиши (синус тугунинидан ташқари)	Атриовентрикуляр блокада, қоринчалар хилпиллаши
Ўтказувчанлик	Камайиши	Бўлмачалар ўтказувчанлиги ортиши ва қоринчалар ўтказувчанлиги камайиши	Блокланиш
Ритм	Секинлашиш	Секинлашиш, сўнгра тезлашиш, экстрасистолия	Аритмия
Диастола	Уайиши	Қисқариши	кучли қисқариши
Минутли ҳажми	Узайиши	Камайиши	кучли камайиши
Қон айланиши	Қисқариши	Секинлашиши	Кучли секинлашиши
Диурез	Ортиши	Камайиши	Анурия
Артериал босими	Норма	Ортиши	Камайиши
Веноз босим	Пасайиши	Ортиш	Ортиш

Вазифа 9

Интерактив вазифаларни «айланма стол атрофида», «инцидент», «асалари уяси» усуллари билан ўтказиш.

V Талабаларнинг машғулоти якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

Талабани машғулоти якунида билим даражасини аниқлаш учун, рецептурадан бажарган вазифасини, фаол сўров, мустақил бажарилган (фармакодинамика ва фармакотерапия, вазиятли, интерактив вазифаларни), 1-9 вазифаларни бажарилиши ва текширув саволлар бўйича оғзаки сўров ўтказилади.

Текширув саволлар - 1,2,3 даражали.

1. Кардиотоник моддаларни таснифи (1).
2. Юрак гликозидлари олинадиган ўсимликлар (1).
3. Юрак гликозидларини таъсир муддати бўйича таснифи (1).
4. Юрак гликозидларини мусбат инотроп таъсир механизми (2).
5. Юрак гликозидларини манфий хронотроп таъсир механизми (2).
6. Юрак гликозидларини кардиопротектор таъсири (2).
7. Юрак гликозидларини экстракардиал таъсири (2).
8. Юрак гликозидларини фармакокинетикаси (3).
9. Юрак гликозидларини қўлланилиши (2).
10. Юрак гликозидларини ножуя таъсирлари (3).
11. Юрак гликозидларини қўллаш мумкин эмас бўлган ҳолат (2).
12. Юрак гликозидларини ўткир захарланиш белгилари (3).
13. Юрак гликозидлари билан ўткир захарланганда ёрдам чоралари (3).
14. Юрак гликозидларини биологик стандартизацияси (2).
15. Стероид тузилишга эга бўлмаган кардиотоник моддалар (2).

VI Хулоса. Амалий машғулотда мақсад ва вазифаларни бажарилиши ва талабаларни мавзу бўйича ўзлаштириши яқунланади.

Машғулотни моддий таъминланиши: дори моддалар тўплами - *дигитоксин, дигоксин, целанид, строфантин К, строфантинидина ацетат, коргликон, конваллятоксин, адонизид, адонис ўти дамламаси.*

Мавзу бўйича формулалар, расмлар, жадваллар, слайдлар, диапроектор.

Амалий машғулот 29

Мавзу: Аритмияга қарши моддалар.

Соат сони - 2.

I Мақсад: Аритмияда қўлланиладиган моддаларни фармакологик хусусиятларини ўзлаштириш. Мавзу бўйича моддалар тўплами, чизмалар, жадваллар, кимёвий формулалар билан танишиш ва таҳлил қилиш.

II Вазифалар:

1. Аритмияда қўлланиладиган моддаларни таснифи, фармакодинамика, фармакокинетикасини, педиатрияда уларнинг моҳиятини билиш.
2. Фармакодинамика, фармакотерапиядан вазифаларни бажариш.
3. Амалиётда айниқса педиатрияда кенг қўлланиладиган моддаларга рецептларни ёзишни билиш.
4. Вазиятли, интерактив вазифаларни бажариш.
5. Мавзу бўйича хулоса қилишни билиш.

III Амалий машғулотда қўриладиган саволлар:

Аритмияда ва тож томир етишмовчилигида қўлланиладиган моддаларни фармакологик хусусиятлари.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар.

1. Аритмияга тушунча. Аритмияни турлари, уларда қўлланиладиган моддалар. Антиаритмик моддалар таснифи.
2. Тахиаритмияда қўлланиладиган моддалар. Уларни таъсир механизми.

3. Мембраналарни мустаҳкамловчи моддалар, таъсир механизми, нозуя таъсири.
4. Ҳақиқий антиаритмик моддалар: хинидин, этмозин, аймалин, ритмилен, новокаинамидларни фармакологияси.
5. Лидокаин гуруҳи, таъсир механизми, нозуя таъсири.
6. Калий моддалари, таъсири.
7. Аритмияда қўлланиладиган юрак гликозидларининг қўлланилиши, таъсир механизми.
8. Реполяризация жараёнини узайтирадиган моддалар, таъсир механизми, нозуя таъсири.
9. β - адреноблокаторларни, антиаритмик таъсири.
10. Са каналларини фалажловчи моддалар, таъсир механизми, асосий ва нозуя таъсирлари.
11. Брадиаритмияда қўлланиладиган моддалар, таъсир механизми, асосий ва нозуя таъсирлари.

Машғулот режаси.

I Рецептурадан вазифани текшириш.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

1. Фаол сўров.
2. Фармакодинамикадан вазифа.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

1. Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.
2. Вазиятли вазифаларни таҳлил қилиш.
3. Фармакотерапиядан вазифа, танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Жадваллар, чизмалар, моддаларни кимёвий формулалари, слайдларни кўриш ва муҳокома қилиш.
2. Интерактив вазифаларни бажариш.

V Талабаларнинг машғулот якунидаги билим даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машғулот режасини амалга ошириш.

I Рецептурадан берилган вазифани текшириш.

Вазифа 1

Рецептларни мустақил ёзиш ва қўлланилишини кўрсатиш.

1. Хинидин сульфат таблеткаси.
2. Новокаинамид таблеткаси.
3. Новокаинамид эритмаси ампулада.
4. Этмозин таблеткада.
5. Аймалин таблеткада.
6. Аймалин эритмаси.
7. Ритмилен капсулада.
8. Лидокаин дражеси.
9. Лидокаин эритмаси.
10. Дифенин таблеткаси.
11. Верапамил таблеткаси.
12. Верапамил эритмаси.
13. Амиодарон таблеткаси.

14. Калий хлорид таблеткаси.
15. Калий хлорид эритмаси.
16. Панангин таблеткаси.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

Вазифа 2

Фаол сўров. Мустақил тайёрланиш учун саволлар асосида.

Вазифа 3

Фармакодинамикадан, келтирилган саволларга режалаштирилган жавоблардан тўғрисида танлаш.

1. Мембраналарни мустаҳкамловчи моддалар: а) дигоксин; б) хинидин сульфат; в) анаприлин; г) нитроглицерин; д) наохлазин; е) курантил; ж) лидокаин; з) калий моддалари; и) аймалин; к) новокаинамид; л) этмозин.
2. Хинидин сульфат гуруҳи: а) рефрактер даврини узайтиради; б) рефрактер даврини қисқартиради; в) юрак автоматизминини оширади; г) юрак автоматизминини пасайтиради; д) деполяризацияни узайтиради; е) реполяризацияни қисқартиради; ж) юрак қисқарувчанлигини оширади; з) юрак қисқарувчанлигини камайтиради; и) артериал босимини оширади; к) артериал босимини камайтиради.
3. Новокаинамидни нозуқ таъсирлари: а) қон босимини пасайтиради; б) қон босимини оширади; в) гипертоник криз; г) уйқуни бузилиши; д) агранулоцитоз; е) мушак миорелаксацияси; ж) тахикардия; з) аритмия.
4. Аймалинни таъсирлари: а) тож томирларни кенгайтиради; б) адреналитик таъсир; в) адреномиметик таъсир; г) атропинга ўхшаш таъсир; д) қон босимини оширади; е) қон босимини пасайтиради; ж) нейротропик таъсир; з) тимотропик таъсир.
5. Аймалинни узок муддат қўлланилганда келиб чиқадиган асоратлар: а) атриовентрикуляр блок; б) гипертоник криз; в) холестази; г) буйрак зарарланиши; д) диспептик ҳолатлар; е) агранулоцитоз; ж) лимфогрануломатоз.
6. Лидокаин гуруҳига кирадиган моддалар: а) дизопирамид; б) дифенин; в) лидокаин; г) эринит; д) атеналол.
7. Калий моддалари билан ўткир захарланиш: а) пироген таъсир; б) оёқларда оғриқ; в) брадикардия; г) оёқ қўлларнинг увишиши; д) тахикардия; е) қабзият; ж) ич кетиши; з) атриовентрикуляр блок.
8. Амидаронни таъсир механизми: а) ҳужайра мембраналарига калий ионларини киришига тўсқинлик қилади; б) вагус таъсирига эга; в) рефрактер даврини қисқартиради; г) калий ионларини ҳужайрадан чиқишига тўсқинлик қилади; д) реполяризация жараёнини ва рефрактер даврини узайтиради; е) юракнинг ўтказувчан системасини қўзғалувчанлигини оширади; ж) юракнинг ўтказувчан системасини қўзғалувчанлигини камайтиради.
9. Тахикардияда қайси адреноблокаторлар қўлланилади: а) анаприлин; б) лабеталол; в) окспреналол; г) новатен (атеналол); д) празозин; е) тропafen; ж) метопролол.
10. Брадикардияда қўлланиладиган моддалар: а) эфедрин; б) октадин; в) дўлана настойкаси; г) адреналин; д) изадрин; е) верапамил; ж) атропин; з) наохлазин; и) глюкагон; к) аллапин.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

Вазифа 4

Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.

Ҳар бир талаба дори моддаларни қўлига олиб, қайси касалликда, айниқса педиатрияда қўлланилишини аниқлаш.

Вазифа 5

Вазиятли вазифаларни бажариш.

Вазифа 6

Фармакотерапиядан танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

1. Хинидин гурухидан кенг қўлланиладиган антиаритмик модда.
2. Аритмияга қарши қўлланиладиган раувольфия алкалоиди.
3. Новокаин тузилишига ўхшаш антиаритмик модда.
4. Кенг қўлланиладиган антиаритмик модда.
5. Антиаритмик таъсирга эга бўлган маҳаллий анестетик модда.
6. Эпилепсияга қарши антиаритмик таъсирига эга модда.
7. Са каналларини фалажловчи антиаритмик таъсирга эга модда.
8. Реполяризация жараёнини узайтирувчи модда.
9. Вена ичига юбориш учун калий моддаси.
10. Калий моддасини таблеткаси.
11. Антиаритмик таъсирга эга бўлган настойка ва экстракти.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

Вазифа 7

Жадваллар, чизмалар, кимёвий формулалар, слайдларни кўриш ва таҳлил қилиш.

Вазифа 8

Интерактив вазифаларни «мияга ҳужум», «муаммони ҳал қилиш», «қора қути» «инцидент» усуллари билан ўтказиш.

V Талабаларнинг машғулоти якунидаги билимини аниқлаш ва баҳолаш.

Талабани машғулоти якунида билим даражасини аниқлаш учун, рецептурадан бажарган вазифасини, фаол сўров, мустақил бажарилган (фармакодинамика ва фармакотерапия, вазиятли, интерактив вазифаларни), 1-8 вазифаларни бажарилиши ва текширув саволлар бўйича оғзаки сўров ўтказилади.

Текширув саволлар - 1,2,3 даражали.

1. Юрак фаолиятини бузилишида қайси учта гуруҳ моддалар қўлланилади (1).
2. Юрак ритминини бузилишига олиб келадиган сабаблар (1).
3. Антиаритмик моддаларнинг асосий гуруҳлари (1).
4. Ҳужайра мембранасини мустаҳкамловчи моддалар (1).
5. Ҳаракат потенциалини узайтирувчи моддалар (1).
6. Верапамил ва фенигидинни таъсир механизми ва келиб чиқадиган таъсирлари (3).
7. Хинидин сульфатни асосий хусусиятлари (2).
8. Хинидин сульфатни нозула таъсири (2).
9. Новокаинамидни асосий ва нозула таъсири (3).
10. Этмозинни таъсирини моҳияти (3).
11. Лидокаин таъсирини моҳияти (3).
12. Дифенинни таъсирини моҳияти (3).

13. Са каналларини антагонистларини ножуя таъсирлари (3).
14. Амиодаронни аритмияга қарши таъсирини мохияти (3).
15. Калий ионларини юракка бўлган таъсири (2).
16. Анаприлинни антиаритмик таъсирини мохияти ва уни ножуя таъсирлари (3).
17. Брадиаритмияда қўлланиладиган моддалар (1).

VI Хулоса. Амалий машғулотда мақсад ва вазифаларни бажарилиши ва талабаларни мавзу бўйича ўзлаштириши яқунланади.

Машғулотни моддий таъминланиши: дори моддалар тўплами - *хинидин сульфат, новокаинамид, этмозин, аймалин, ритмилен, лидокаин, дифенин, верапамил, амиодарон, калий хлорид, панангин, дўлана настойкаси ва экстракти, аллапинин.*

Мавзу бўйича формулалар, расмлар, жадваллар, слайдлар, диапроектор.

Амалий машғулот 30

Мавзу: Тож-томирлар етишмовчилигида қўлланиладиган моддалар.

Соат сони - 2.

I Мақсад: Тож томир етишмовчилигида қўлланиладиган моддаларни фармакологик хусусиятларини ўзлаштириш. Мавзу бўйича моддалар тўплами, чизмалар, жадваллар, кимёвий формулалар билан танишиш ва таҳлил қилиш.

II Вазифалар:

1. Тож томир етишмовчилигида қўлланиладиган моддаларни таснифи, фармакодинамика, фармакокинетикасини, педиатрияда уларнинг мохиятини билиш.
2. Фармакодинамика, фармакотерапиядан вазифаларни бажариш.
3. Амалиётда айниқса педиатрияда кенг қўлланиладиган моддаларга рецептларни ёзишни билиш.
4. Вазиятли, интерактив вазифаларни бажариш.
5. Мавзу бўйича хулоса қилишни билиш.

III Амалий машғулотда қўриладиган саволлар:

Тож томир етишмовчилигида қўлланиладиган моддаларни фармакологик хусусиятлари, уларнинг таснифи, таъсир механизми.

Мустақил тайёрланиш учун саволлар.

1. Тож томир етишмовчилигида қўлланиладиган моддалар таснифи.
2. Нитроглицеринни, фармакокинетикаси, фармакодинамикаси, ножуя таъсирлари. Нитроглицериннинг таъсир муддати узайтирилган шакллари, қўлланилиши.
3. Аденозин таъсирига эга бўлган моддалар, таъсир механизми, ножуя таъсирлари.
4. Миотроп моддалар, таъсир механизми. Рефлектор таъсир этувчи моддалар, қўлланилиши.
5. β - адренорецепторларга таъсир этувчи моддалар, β - адреноблокаторлар, ножуя таъсирлари.
6. Са - каналларини фалажловчи моддалар, антиангинал таъсир механизми.
7. Миокард инфарктини фармакотерапияси.

Машғулот режаси.

I Рецептурадан вазифани текшириш.

II Талабаларнинг бошланғич билим даражасини аниқлаш.

1. Фаол сўров.
2. Фармакодинамикадан вазифа.

III УИРС. Талабалар учун мустақил иш.

1. Мавзу бўйича дори моддалар тўплами билан танишиш.
2. Вазиятли вазифаларни таҳлил қилиш.
3. Фармакотерапиядан вазифа, танланган моддаларга рецептлар ёзиш.

IV Янги педагогик технологияларни қўллаш.

1. Жадваллар, чизмалар, моддаларни кимёвий формулалари, слайдларни кўриш ва муҳофаза қилиш.
2. Интерактив вазифаларни бажариш.

V Талабаларнинг машғулот якунидаги билим даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

VI Хулоса.

Машғулот режасини амалга ошириш.

I Рецептурадан берилган вазифани текшириш.

Вазифа 1

Рецептларни мустақил ёзиш ва қўлланилишини кўрсатиш.

1. Нитроглицерин таблеткаси.
2. Нитросорбид таблеткаси.
